

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги

Қарши Давлат университети

# ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Ўқув қўлланмаси. Педагогика фанлари доктори,  
профессор Малла Очиллов ўқиган маъруза матнлари)

Қарши  
"Насаф" нашриёти  
2000

Педагогик ихтисосликлар бўйича бакалавриат даражасида мугахассислар тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1999 йилда тасдиқланган намунавий ўқув режаларида "Янги педагогик технологиялар" курсини ихтисослик фанлари қаторида ўрганиш назарда тутилган. Ўзбек тилида педагогик технологияларга доир илмий ва ўқув адабиётлари жуда кам, ҳанузгача бирорта ҳам ўқув қўлланмаси чоп этилмаган. Шунинг назарда тутиб, профессор Малла Очилов русча манбалар ("Прогрессивные педагогические технологии", Тбшкент, 1999; "Слагаемое педагогической технологии", М., 1989; "Педагогическая технология в учебном процессе", М., 1989) асосида педагогик технологиялар ўқув фанининг дастурини тайёрлаб, малака ошириш курслари ва педагогика факультети студентларига ўқиган маъруза матнларидан ушбу қўлланма тузилди.

Ўқув қўлланмаси педагогика ўқув юртлирининг студентлари, малака ошириш тизими тингловчилари, аспирантлар, илмий ходимлар, ўқитувчилар ва педагогик технология масалалари билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Н.Ҳ. Ҳақимов - фалсафа фанлари доктори, профессор.

^ Тақривчилар: Д.Ш. Шодиев - педагогика фанлари доктори,  
"ГЗ^т^\*""^" профессор.

>^ "ху^.-^гЧч 4-Ж^аффорова - педагогикафа^^

| % Л% М | номзоди, доцент.

| / \ ^^ХРасулов - фалсафа фанлари номзоди

О ^^ШШ^э:^^ -48-2000 (С) М.Очилов - 2000Й. ЎШ 5-

7323-0389-8

Муҳаррир: Т.ТИЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётнинг демократик-ҳуқуқий, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан давра бормоқда. Иқтисодий, маданий-маърифий, халқ таълим соҳаларида ислохотлар ва янгиланиш жараёнлари босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Халқимиз сиёсий барқарорлик шароитида Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари даражасига чиқариш мақсадида аҳиллик билан меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз истиқболи, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган жамият қуриш Соҳасидаги ишларнинг самарадорлиги юқори малакали, юксак маънавиятли, ривожланган мамлакатлар Даражасида, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, баркамол авлодни шакллантириш муаммоси билан узвий боғлиқ. Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури", "Таълим тўғрисидаги қонун", Вазирлар Шўқамасининг умумий ўртатаълим, академик лицейлар ва касб - ҳунар коллежларини ташкил этиш ҳақидаги ва бошқа қарорлари ана шу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган.

Бу ҳужжатларда кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчилик ва муаммолар ҳам кўрсатилган. Жумладан: "мактаблар ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услубиётидаги камчиликлар оқибатида ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилияти ривожланмай қолаётганлиги; умумий ўрта таълимнинг амалий йўналганлиги, меҳнат кўникмалари шаклланиш, касбга йўналтирилганлик даражаси етарли эмаслиги; ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш ва билим Даражасини баҳолаш тизимида объективлик ва тезкорлик таъминланмаётганлиги; ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, билим ва касб савияси пастлиги" ("баркамол

авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори". Тошкент, 1997, 36-38 -бетлар ) шулар жумласидандир.

Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимидаги, ўқув-тарбия ишлари соҳасидаги муаммоларни изчиллик билан, босқичма-босқич ҳал этиш йўллари ва воситалари юқорида тилга олинган давлат ҳужжатларида белгилаб берилган, Президентимиз И.А.Каримовнингасарлари, нутқлари, савол-жавобларида тобора ойдинлаштирилмоқда. Чунончи, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида (1997-2001 йиллар) - "ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёнини дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш"; иккинчи босқич (2001-2005 йиллар)да - "таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва **илғор педагогик технологиялар** (курсив-муаллифники) билан таъминлаш"; учинчи босқичи (2005 ва ундан кейинги йиллар)да - "таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, **илғор педагогик технологиялар** (курсив-муаллифники) билан тўлиқтаъминланиши" долзарб вазифалар қаторида белгиланган.

Ўқув-услубий адабиётлар мажмуаларини, янги педагогик технологияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш, бир томондан, давлат ва жамоат муассасалари, таълим идоралари ходимларидаи; иккинчи томондан педагог-олимлар, илғор ўқитувчилар, амалиётчилар томонидан катта ишларни бажаришни, таълим-тарбия, педагогик технологиялар соҳасида фундаментал тадқиқотлар ўтказиш, янги педагогик технологиялар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва илмий-тажрибада синовдан ўтказиш, илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, таълим тизимини, кадрлар тайёрлашни янгилаш вазифаларини мавжуд ўқитиш усулларини педагогик технология асосида қайта ташкил

аир<sup>1</sup>торияра, синфда, дарсда, дарсдан ташқарида ўқув-таобиявий ишларни бажаришга киришгандаёқ педагогик жараённинг натижасини кафолатлайдиган қилиб лойиҳалаш ва амалга ошири!!! йўли билангина бажариш мумкин.

## ^/ ТАЪЛИМ - ТАРБИЯГА ЁНДАШУВЛАР

■ Педагогика фани ва таълим-тарбия амалиётида турли ёндашувлар қўлланилади. Анъанавий ёндашув, тизимли ёндашув, технологик ёндашув, тадқиқий ёндашув, функционал, коғиплекс, фаолиятли ёндашувлар шулар жумласидандир.

АНЪАНАВИЙ ЁНДАШУВ. Унинг асрсий хусусияти - ўқитувчи маълум ахборотни гапириб беради, тушунтиради, талаба эса бу билимни хотирасида сақлайди, "Билим" тушунчаси хотирада сақланадиган ахборот маъносидан тушунилади. Талабада билим бор-йўқлиги имтиҳонда шу ахборотга доир берилган саволга ёддан берган жавобига қараб аниқланади. Бунда билим дегани асосан эса қолдиришнинг натижасидир, у кўпинча юзаки бўлиши ҳам мумкин. Бундай билим хотирада узоқ сақланмайди. Талаба савол берилганда эслаши, баъзан эслай олмаслиги ҳам мумкин.

Анъанавий ўқитиш усулида таълим мақсади дастур талабига биноан аниқ ифодаланмайди, талабанинг ўзлаштириш даражаси, сифати ҳақида муаллим аниқ тасаввурга эга бўлмайди.

Анъанавий таълим мамлакатимиз ўқув юртларида кенг тарқалган, унинг турли жиҳатлари педагогика методика фанларида ишлаб чиқилган, катта тажриба тўпланган. Анъанавий таълим усулини такомиллаштириш соҳасида изланишлар давом этаётир, лекин унинг объектив имкониятлари чекланган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар, тез суръатлар билан ривожланаётган фан-техника талаблари -таълим усули билан жамиятнинг рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлашга, баркамол авлодни шакллантиришга бўлган эҳтиёжи ўртасида номутаносибликни вужудга

келтирди. Уни таъямда *^шга янғи* ёндашувларни қўллаш йўли бияан ҳая этиш лoаим.

**ТИЗММЛ^ ШНДАШУШ.** Тизим сўзи - тузилма, қисмлардан тузилган, бир\*1ккан яхлит нарса ёки ҳодиса маъносини .:дглатади. Тиз^м тушулчаси ва сўзи, бошқа маъноларга ҳам эга. Масалаи, тизим - ип, сим кабмларга терилган на,рса; тизим-шода (бир тизим марварид, бир шода маржом кабшар). Шунингдек, кибернетик тизим, ахборотлар тизими, ижтимоиймуносабатлар тизими, ҳаракатлар тизими, педагогик г^зим каби тушунчалар шаклида ҳам қўлланилади. Тизим тушу-нчаси одатда айрим белгиларига кўра турларга ажратилади; моддий «арсалар *шзими*; мавхум тушунчаяар, фаразиялар, |Наза,р\*\*яар, шмий билимлар тизими кабил^.

Тизимли ёндошув илмий билиш мегодологияси ва педагогик амалиёгнинг бир йўналиши сифатида универсал тавсифга эга, педагогикадакенгқўлланади, гаълим-т^гга ҳам педш^огик тизим еифатида қараш лозим.

"*Ттшпи* ёндашуе" тушунчаси кўпинча "тизимья метод", "тизимли тах/адл усули" тушунчаяари билан узей боглик ҳолда *қўяяшпат*- Чунки тизимья таҳлил усуллари ҳам объектни яхлит тизил^ сифатида ўрганишни назарда тутати. Тизимли ёндошув, айни|Қса, тузилиш - вазифасига кўра бажариладиган таҳлилга жуда яқин. Тизимли таҳлилнинг объекти яхяит нарса ёки ҳодиса (гизим) ҳисобланади, у, биринчидан, объектнинг турьяи қисмларини; иккинчидан, қисмлэрнинг ўзаро боғьяиқяигини; учинчидан, тизимнинг чегараларини ва тўртинчидзн, тизимнинг атроф-муҳит билан боғлиқлиги, злокэдорлигини.назарда тутати-

Тизимья ёндашувда бир қанча қоида-принциплар мажмуидан фойдаланиладики, улар тадқиқотчилик ва амалий фаолиятда юқори натижаларга эришиш имкониятини яратади. Бундай қоида-принм.ипяар қаторига, жумладан, қуйидагилар киради: мавхумлиедан яққолликка қараб бориш; анализ билзн синтезнинг, мзнтиқийлик билан тарихийликнинг бирлиги; объектда боғланишлар вз ўзаро таъсирларнинг турличалиги; объектнингтузилиши-вазифалари ва келиб

чикиши ҳақидаги тасаввурларнинг бирлиги ва бошқалар.

**Педагогик тизим** - инсон боласини баркамол шахс, бирор касб эгаси сифатида шакллантирувчи яхлит ижтимоий-педагогик ҳодиса бўлиб, унинг таркиби педагогик жараённинг объектлари ва субъектлари, шакл-усуллари, улар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро таъсирлар, уларни бошқаришдан иборат. Педагогика кенг ва тор (жинс ва тур) тушунчаларни ўз ичига олади: педагогика - фан; педагогика-ўқув предмети; педагогик - инсон фаолиятининг бир соҳаси сифатида кенг тушунчалардир. Уларнинг ҳар бири маълум қисмлардан тузилган тизим ҳисобланади. Педагогика фан сифатида айрим белгиларига кўра бир неча қисмлардан тузилган тизимдир. Педагогик фанлар тизимига-педагогика назарияси ва тарихи; ўқитиш назарияси ва методикаси; махсус педагогика; жисмоий тарбия назарияси ва методикаси; маданий-маърифий ишлар педагогикаси, ижтимоий педагогика кабилар киради.

Шунингдек, таълим-тарбиянинг мақсади, шакл-усуллари тизими; таълим - тарбиянинг йўналишлари, турлари тизими: узлуксиз таълим тизими; таълим муассасалари тизими; педагогик ихтисосликлар тизими; ўқув вазифалари, ўқув ахборотлари тизими кабилар ҳам педагогик тизим таркибига киради.

**ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ.** Технология юнунча сўз бўлиб, техне - маҳорат, санъат, логос - тушунча, таълимот маъноларини англатади, Технология тушунчаси - тайёр маҳсулот олиш учун ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар мажмуи; шундай усул ва методларни ишлаб чиқувчи ва такомиллантирувчи фан сифатида таърифланади/Ишлаб чиқариш жараёнларининг таркибий қисми бўлган амаллар - материалларни қазиб олиш, ташиш, тахлаш, сақлаш ва бошқалар ҳам технология дейилади. Технологияга ишлаб чиқариш жараёнларини тасвирлаш, уларни бажариш бўйича қўлланмалар, техник қоидалар ваталаблар, графиклар ҳам киради. Саноат ишлаб чиқариши соҳасида юзлаб технологик лойиҳалар

(жараёнлар) яратилган. Улар, агар техник ҳужжат талабларига амал қилинса, ишни ким ва қаерда бажарганидан қатъий назар, маҳсулот сифати ва натижаси кафолатланади.

Таълим ишига технологик ёндошув:

-ўқиш -ўқитиш жараёнини ўзаро узвий боғлиқ этаплар, фазалар, амалларга ажратиш, бўлишни;

-таълимдан мўлжалланган натижага эришиш учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштириш, кетма-кет, босқичма-босқич амалга оширишни;

-лойиҳалаштирилган ишлар, амалларнинг барчасини бирдек бажаришни назарда тутати.

Бу ёндошув асосан, репродуктив таълимга хосдир. Репродуктив таълим типик вазиятларда бирор иш-ҳаракатни олдин билиб олинган қодалар асосида бажаришдир.

Репродуктив даражаси учун педагогик технология усулида таълим - такрор ишлаб чиқилладиган конвейерли жараён сифатида ташкил этилади, ундан кутиладиган натижа ҳам муфассал тасвирланиб, аниқ қайд этилади. Ўқув материали аниқ ифодаланган ўқув мақсадига мос қайта тузиб, ишлаб чиқилади, айрим бўлак (қисм, модул)ларга ажратилади, ўқув материални ўргатишнинг альтернатив йўллари назарда тутилади, ҳар бир бўлакни ўрганиш тест.ёрдамида назорат этилиб, ҳато, камчиликлар тузатилиб, тўғрилаб борилади. Ўқув иши эталонда кўрсатилган натижага эришишни назарда тутати. Бу, болаларни қизиқтириш, мусобақа ва ўзаро ёрдамлашишини инкор этмайди. Таълим репродуктив характерда олиб борилгани учун ҳам бу усул билим, кўникма ва малакаларнинг зарур минимумини эгаллашда кўпроқ самара беради. Технологик ёндашувни қўллаш қўйилган ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайди.

**ТАДҚИҚИЙ-ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ.** Бу ёндашув таълимнинг мақсади талабада бирор муаммони ечиш қобилиятини ўстириш, янги билим (тажриба)ни мустақил ўзлаштириш, ҳаракатнинг янги усулларини топиш, шахсан ташаббус кўрсатишни кўзда тутати,

Тадқиқий ёндашув фаолиятнинг ижодий, актив характери

билан боғлиқ.

- «-

Бу ёндашувда талабанинг ўқув-билиш фаолиятига педагог паф-батлантирувчи усулда раҳбарлик қилади, боланинг шахсий ташаббусини қўллаб-қувватлайди. бола билан ҳамкорлик қилади, талабанинг фикр ва қизиқишларини олдинги ўринга қўяди. Тадқиқий ёндашув бўйича ҳам педагогик технология вариантлари ишлаб чиқилган.-

Педагогика назарияси ва амалиётида анъанавий ёндашув ўз имкониятларини сарфлаб бўлди, тизимли, технологик ва тадқиқий ёндашувлар истиқболга эга. Технологик, тизимли ва тадқиқий ёндашувлардан ҳар бирининг таълим тизимида ўз ўрни бор ва ўз жойида қўлланилиши лозим.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг турли даражалари учун (репродуктив, маҳсулдор,тадқиқий-ижодий) педагогик технология вариантлари ишлаб чиқилган.

Кенг қўламда амалга оширилаётган таълим ислохотлари таълимнинг илғор технологияларини ўрганиш ва ўқув - тарбия жараёнига жорий этишни тақозо қилади. Бу ўз навбатида педагогҳодимлардан таълим соҳасига технологик ёндашувни, педагогик технология усулини эгаллашни ва Ўзбекистоннинг миллий, маънавий - маданий хусусиятлари, тарихий илғор анъаналарини ҳисобга олган ҳолда педагогик амалиётда қўллаш ва ривожлантиришни талаб этади.

Технологик ёндашув мавжуд анъанавий ўқув жараёнига фақат- комплекс тарздагина эмас, педагоглар томонидан ўзлаштирилиши.методик қўлланмалар, ўқув-моддий база яратилишига қараб борқичма-босқич, айрим элементлари амалга оширилавериши ҳам мумкин. Бу биринчи навбатда педагогик технологиянинг муҳим қисми - предметлар ва мавзулар бўйича таълим мақсадларини аниқлаш усулларига тааллуқлидир.

Педагогик тадқиқотчилар таълим-тарбия ҳодисаларини урганганда маълум даражада бу ёндашувларни қўллайдилар. Амалиётчи педагоглар ҳам бундан мустасно эмас. Агар ҳар бир ёндашув нималигини англаб, ўз ўрнида, мақсадга мувофиқ тарзда унга амал қилинса, ўқув-тарбиявий ишлар самарадорлиги анча юқори бўлар эди.

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ - ТАЪЛИМНИНГ ТИЗИМЛИ УСУЛИ

Педагогика фани ва амалиётида қўлланилаётган "педагогик технология" атамаси инглизча "а педагогика" деган маънони билдиради. Педагогика фанида педагогик технология тушунчасини таърифлашда ҳали ягона бир фикрга келинганича йўқ.

Айрим амалиётчи педагоглар "педагогик технология" деганда технологик ёндошувга асосланмаган (баъзи фойдаланиш, самарали усулларни ёки ўқитиш жараёнида техник воситаларни қўллашни) тушунадилар. Ваҳоланки, педагогик технология таълим жараёнига янги, ўзига хос белгилар, хусусиятларга эга бўлган, тизимли, технологик ёндошувга асосланади. У, педагогикада ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг маҳсули; технократик илмий фикр (онг)нинг таълим соҳасидаги лойиҳаси, таълим жараёнини маълум даражада стандартлаштириш, такрорланадиган педагогик жараён (цикл)га айлантиришдир.

Педагогикада қайта такрорланадиган педагогик жараён (цикл)ни яратиш осон иш эмас. Бунга ўқув - тарбия вазифаларининг турли-туманлиги, таълим мазмуни ва ўқув материалларининг ҳар хиллиги, талабаларнинг билим ўзлаштириш қобилиятлари, хотира хўсусиятлари бир хил эмаслиги каби қатор факторлар сабаб бўлади. Шунга қарамай ривожланган мамлакатларда олимлар педагогик технология усулини ишлаб чиқдилар, улар яратган педагогик технология усули қайта такрорланадиган педагогик цикл бўлиб, таълим олишда режалаштирилган натижалари кафолатлидир.

Педагогик адабиётларда педагогик технология тушунчасига берилган таърифларни ва унинг муҳим белгилари, хусусиятларини қуйида умуллаштирилган ҳолда келтирамиз.

.Айгко ташкилоти маъқуллаган таъриф: "Педагогик гия бу таълим шакллари оптималлаштириш <sup>^^^</sup>Тдида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда <sup>^</sup> япнинг ўзаро таъсирини инobatга олиб, ўқитиш ва билим <sup>^</sup>члаштиришнинг барча жараёнларини айиқпаш, яратиш ва кўплашнинг тизимли методидир" ("Прогрессивнуе педагогическieteхнологии", Тошкент, 1999,-3-бет).

Бошқа муаллифларининг таърифлари:

-педагогик технология - амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир; •

-педагогик технология - таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш учун ўқув жараёнида қўлланиладиган усуллар, воситалар мажмуидир;

-педагогик технология олдиндан белгиланган, лойиҳалаштирилган ўқув-тарбия жараёнини изчил амалга ошириш кабилар.

Юқорида келтирилган таърифлар педагогик технология усулининг мазмунини англаш ва аниқлаш жараёни ҳали поёнига етмаганлигидан далолат беради. Бу масалага ойдинлик киритиш учун, аввало, педагогик технология усулининг муҳим белгиларини аниқлаш талаб этилади. Педагогик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш педагогик технологиянинг муҳим хусусиятлари,<sup>1</sup> белгилари қаторида қуйидагиларни кўрсатишга имкон беради:

-таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва синфда ўқувчилар билан қайта ишлаб чиқиш;

-тизимли ёндашув асосида талабанинг ўқиш-билиш фаолиятини тасвирлайдиган таълим жараёни лойиҳасини тузиш;

<sup>^</sup> -таълим мақсади реал, аниқ диагностик бўлиши ва УҚУвчининг билим ўзлаштириш сис<sup>^</sup>затини объектив баҳолаш;

„ -таълим жараёнининг тузилиши ва мазмуни яхлитлиги, Узаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлиши; -

-таълим шакллари оптималлаштириш (кулайлаштириш);

-таълим жараёнида техник воситалар ва инсон салоҳиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш;

- таълим мақсадларини кўзлаган эталон асосил ўқувчиларнинг кузатиладиган, ўлчанадиган ҳаракатлапи шаклида жуда ойдинлаштириш;
- талабанинг фаоллигига таяниб ўқитиш;
- билим ўзлаштириш жараёнида йўл қўйилган хатоларни аниқлаб, тузатиб бориш;
- шакллантирувчи ва жамловчи баҳолар;
- белгиланган мезонларга биноан тест вазифаларини бажариш;
- таълимнинг режалаштирилган натижасига эришишнинг кафолатганлиги;
- таълим самарадорлигинингюқорилиги.

Педагогик технология тушунчасига доир мавжуд таърифлар ҳамда педагогик технология усулининг муҳим белгилари, хусусиятларини умумлаштирилган ҳолда келтирдик. Маълумки, мантиқ фанига кўра, бирор тушунчага илмий таъриф бериш учунтаърифда тур ва жинс тушунчалар келтирилиши ва таърифланаётган тур тушунчани жинс тушунчага кирадиган бошқа тур тушунчалардан фарқини кўрсатувчи муҳим белгилари кўрсатилиши талаб этилади. ЮНЕСКОнинг таърифида "педагогик технология"-тур тушунча, "тизимли метод" жинс тушунча ҳисобланади. Таърифда педагогик технология усулини ўқитишнинг бошқа усулларида фарқини кўрсатувчи айрим белгилари ҳам (таълим шакллари оптималлаштириш, техник воситалар ва инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиш; ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллаш) кўрсатилган.

Лекин бизнинг фикримизча, ЮНЕСКО таърифида педагогик технологияни таълимнинг бошқа усулларида кескин фарқини яққол кўрсатувчи: "таълим жараёнига тизимли, технолргик ёндашув; таълим мақсадларини ойдинлаштириш-; натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш" дек муҳим белгилар акс этмаган. Жинс тушунча сифатида ишлатилган "тизимли метод"атамаси ҳам битта метод (яъни тизимли метод) маъносини билдиради.

^ .^ингча таърифдажинстушунчасифатида-методлар  
" ятамасини ишлатиш мантиқий жиҳатдан туғрироқ  
^^^"гу-чпи Шу мулоҳазалар,асосида биз "педагогик  
^^^ логия" тушунчасига қуйидагича таъриф беришни  
".якгадга мувофиқ, мукамалроқ деб ҳисоблаймиз:

Педагогиктехнология - тизимли, технологик ёндошувлар  
асосида таълим шакллари қулайлаштириш, натижасини  
кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти '  
ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб,  
таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим  
ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар г  
мажмуидир. Бундай усул ва методларни ишлаб чиқиш  
педагогик технология назарияси ва методикасининг  
вазифасидир.

Хуллас, педагогик технология - таълим усули, маълум  
маънода таълим-тарбия жараёнлари, воситалари, шакл ва  
методлари мажмуи. Ўқув материалларини танлаш, қайта  
ишлаб ўқувчиларнинг кучига, ўзлаштириш хусусиятларига  
мослаб шакли, ҳажмини ўзгартириш ҳам таълим  
технологиясига дахлдор. Педагогик технология таълим-  
тарбиянинг объектив қонуниятлари, диагностик мақсадлар  
асосида ўқув жараёнлари, таълим-тарбиянинг мазмуни, метод  
ва воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллантириш  
тизимидир.

Педагогик технология учун педагогик амалиёт  
жараёнларини белгилаш ва тасвирлаш; ўқувчи ёки студент  
келгуси фаолиятида дуч келадиган вазифаларни олдиндан  
аниқлаш; ўқитишнинг ҳар бир босқичида таълимнинг мазмуни  
1УҚУв режаси, ўқув элементлари, уларнинг мантиқий  
ўқув "^^^" ^^^ Дастурлари, дарсликларини)ни белгилаш;  
галав^^^\*^^^ боланинг кучига мослик даражасини ва  
тарбия^"^^^\*^^^\*^^^\*^^^\*^^^ тезлигини аниқлаш; таълим-  
таъли"^^^" шакллари ва воситалари (ўқув қўлланмалари,  
жараёниГ"^^^"ик воситалари)ни тайёрлаш; ўқув  
мақсади ^отив компонентини рўёбга чиқариш

^\*Д да предметнинг мазмунига киритиш учун қўшимча

равишда вазиятли матнлар, тестлар тайёрлаш; шахсл шакллантириш назарда тутилган касбий сифатлар ва маънавий-фазилатларни ўзлаштиришга йўналтирилган машқлар тизимини ишлаб чиқиш; таълимнинг натижаси ва ўзлаштириш даражаси, сифатини баҳолаш мезонларига мос равишда талабанинг билим ва малакаларни эгаллаш сифатини объектив баҳолаш учун тест (назорат) вазифаларини тайёрлаш; дарсда ва дарсдан ташқари ўқувчига бериладиган вазифаларни режапаштириш, мустақил машғулотларнинг тузилмаси ва мазмунини ишлаб чиқиш кабилар ҳам педагогик технологиянинг вазифалари ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг фан сифатидаги вазифаси таълим-тарбия амалиётида энг самарали ва тежамли ўқув жараёнларини шахсни касб эгаси сифатида шакллантирувчи педагогик, психологик қонуниятларни аниқлаш, шунингдек фалсафа, социология, физиология, математика, кибернетика, информатика ва бошқа фанларнинг қонуниятларидан фойдаланиш йўллари аниқлашдан иборат.

Педагогик технология назарияси ва амалиёти қуйидаги қонуният ва принципларга асосланади;

-таълим-тарбия жараёни тузилиши ва мазмуни жиҳатидан яхлитлиги, бирлиги;

-таълим жараёнини оптималлаштириш: қулай шароит яратиш, оз вақт, кам куч сарфлаб, юқори натижага зоришиш;

-замонавийлик: педагогик амалиётга илмий асосланган дидактик янгиликларни, янги тартиб-қоидаларни жорий этиш, таълим мазмунини узлуксиз янгилаб, замонавийлаштириш бориш;

-илмийлик: таълим-тарбияда янги шакл ва воситалар, фео<sup>А</sup> методлар, дидактик материалларни қўллаш, узлуксиз изланиш, тадқиқот;

-талаба ва ўқитувчи фаолиятини оқилона уюштириш. ўқитувчи таълим мақсадини, мазмунини пухта билиши, таълим усуллари ва техник воситаларни яхши эгаллаган

бўлиши, ўқувчининг манфаатдорлиги, қўйиши ва интилувчашш жадаллаштириш: ахборот "ологияси ва техник воситалардан фойдаланиш амарадорлигини ошмурувчм дидактик матершларни ишлаб чиқишвакэнгқўллаш;

- ўқув жараёни учун зарур моддии-техник базаси яратиш;
- педагогик жараён натижаларини холисона ва объекти баҳолаш: тест усули, рейтинг тизими, талабанинг билим ва кўникмаларни эгаллаш жараёнини назорат қилиш, баҳолашни автоматлаштириш;
- таълим-тарбиянинг табиатга мослиги;
- таълим-тарбиянинг жамиятга мослашуви ва бошқалар.

## ПЕДАГОГИК ТИЗИМ

Педагогик технология усули тизимли, технологик ёндашувларга асосланади. Система (тизим) юнонча сўз бўлиб, яхлит бир тузилма, қисмлардан тузилган, бириккан маъносини англатади.

Педагогик тизим-педагогик технологиянинг асоси, замини ҳисобланади. Педагогик тизим-бир бутун, ҳаракатланувчи яхлит ижтимоий-педагогик ҳодиса бўлиб: ўқувчи (1), таълим-тарбиянинг мақсади (2), мазмуни (3), ўқув жараёни (4), ўқитувчи ёки техник воситалар (5) ва таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари (6) тузилди (Беспалско В.П. "Олагаемме педагогической технологии", М. 1989, 6-7-бетлар).

■ таълим-тарбиянинг мақсади объектив ҳарактерга эга. У л Р оир жамиятнинг моддий-маънавий эҳтиёжларидан ҳосил умумий буюртма сифатида давлат ҳужжатларида У уми тарзда ифодаланади. Таълим-тарбиянинг мақсади баоч Хил қилувчиликхусусиятига эга. Педагогик тизимнинг чика Қсмлари таълимнинг мақсадига боғлиқ ва уни рўёбга ақпя аизмат қилади. Шахсни, мутахассисни ўқув мақсади таълимнинг мазмуни (ўқув режаси, «ув дастури, дарсликлар)ни белгилайди.

Педагогик тизим **дидактив вазифа ва таълим технологиясини** ўз ичига олади. Таълим-тарбиянинг мақсади ва мазмуни - дидактив вазифа; дидактик жараён ўқитувчи ва техник воситалар, таълим-тарбия шакллари усуллари - таълим технологиясига киради. Педагогик амалиётда дидактив вазифани таълим технологияси ёрдамида ўқувчи, талаба ўзлаштириб олади.

Педагогик технологиянинг моҳияти шундан иборатки, у, биринчидан, таълим-тарбия жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва сўнгра синфда, аудиторияда ўқувчилар билан бирга лойиҳани қайта ишлаб чиқишни назарда тутди. Бу масалани "дидактив вазифа", "таълим технологияси" тушунчаларини қўллаш билан ҳал этиш мумкин.

Иккинчидан, анъанавий педагогикада методик ишланмалар ўқитувчи дарс ўтиши учун тузилса, педагогик технология - ўқувчини ўқув-билиш фаолиятининг шакллари **ва** мазмунини тасвирлайдиган таълим жараёни лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Учинчидан, педагогик технологиянинг муҳим белгиси - мақсад ҳосил қилиш жараёнидир. Анъанавий педагогикада "педагогик мақсад" масаласига назариячилар ҳам, амалиётчилар ҳам кам эътибор берадй, мақсад - методик адабиётларда ҳам ноаниқ ифодаланиб, унга эришиш даражаси ҳам субъектив баҳоланади.

Педагогик технологияда - педагогик мақсадни аниқлаш асосий муаммо бўлиб, мақсадни дйагностик ифодалаш, билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш назарда тутилади.

Ниҳоят тўртинчидан, таълим-тарбия жараёнлари тузилиши ва мазмуни жиҳатидан яхли^глиги - педагогик технологияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим принципи ҳисобланади. Яхлитлик принципи, шунингдек, таълимнинг ҳар бир тури бўйича бўлажак педагогик тизимнинг лойиҳасини ишлаб чиқаётганда педагогик тизимнинг барча элементлари (чорак, семестр, ўқув йили давомида ҳам, шунингдек бутун таълим даврида ҳам) ўзаро таъсирда бўлишига эришиш зарур-

■ 7-нчи сиртнинг бир элементи, масалан мақсади а унинг бошқа қисмлари (мазмуни, ша'клари, жараёнлари) ҳам ўзгаради.

## 2) ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўқитиш, ўқитиш -- инсон фаолиятининг бошқа соҳалари сингари ижтимоий фойдали фаолиятдир, гарчи унинг самараси дарҳол бевосита кўзга ташланмас ҳам. Иқтисодий тузумлар нима ишдаб Н14 қараётгани билангина эмас, балки қандай ишлаб чиқараётгани ва қанақа меҳнат қуроллари билан ишлаб чиқараётгани билан бири иккинчисидан фарқланади, деган фикр ўқитиш-ўқитиш фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Педагогикада таълим усуллари ривожланишига шу нуқтадан назардан қараб, ўни шартли равишда куйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1- муаллим "ўз қўл кучи" билан ўқитиш босқичи, яъни ўқувчи учун ахборот манбаи - ўқитувчи бўлиши.

2- ўқув китоблари, дарсликлар яратилган ва кенг қўлланилган босқич;

3- аудио-визуал воситалар қўлланилган босқич;

4- ўқитишни бошқаришда оддий автоматлаш воситаларини қўллаш босқичи;

5- ўқитишни ҳозирги замонавий ЭХМ лар воситасида бошқаришни автоматлаштириш босқичи.

Инсониятнинг ривожланиш давлари алмашганда педагогик технологиялар бутунлай йўқ бўлиб кетмайди, балки педагогик технологиялар кейинги даврларга ассоциация рақиди фикран боғланади, янги сифатлар, хусусиятларга эга бўлиб, кучаяди, бойийди. Бу жараён борган сари тобора тезлаша боради.

17-18-асрларда тарихда 1-босқич узок муддат давом этган. Унда ўқитувчи ўз кучига, ўз билим ва маҳоратини жамғиратиш, шунинг учун

базарган. Кейинчалик дунёвий ва диний мазмундаги кўп-китоблар яратилди, лекин ўқувчи уларнинг мазмун<sup>^^</sup> ўқитувчи фаолияти воситасида ўзлаштиради. Бундай ҳр<sup>^^</sup> XVII асргача - Я.А.Коменский "Буюк дидактика" асаои<sup>^^</sup> ўқувчи таълим олиши учун дарслик зарурлигин<sup>^</sup> исботлагунча давом этди. Яна бир қанча тўсиқларн<sup>^</sup> бартараф этиб, дарсликлар Европа мамлакатларида XVIII асрда кенг қўлланила бошланди.

2-босқич - қоғоз ўқув китоби даври ҳали ниҳоясига етказилгани йўқ, дарсликлар яратиш ва улардан фойдапаниш технологияси ҳамон мукаммал эмас, Лекин ўқитишнинг 1,2,3-босқичларига хос таълим воситалари мактабларга жадал қириб келмоқда. ^ . , ,

Ўқув китобларини жорий этиш қарама-қаршилиқлар кураши натижасида содир бўлган. Кейинги даврларда ҳам таълим соҳасидаги жиддий ўзгаришлар курашсиз, осон бўлмаган. Ҳозирги кунда ҳам 1-босқич технологияси руҳида шаклланган айрим педагогларда кейинги даврларда вужудга келган ўқув воситаларини ўзлаштириб олишга, таълим-тарбия жараёнини шу асосда ташкил этишга интилиш суст. Ваҳоланки 1 -босқич ўқув воситалари ўқитувчидан кўп меҳнат талаб этади ва ўқувчининг<sup>^</sup>билим, тайёргарлик даражаси юқори бўлмайди.

Бу педагогик босқичларнинг ҳар бир<sup>^</sup>та таълим методлари такомиллаштирила борганлиги туфайли ўқитувчи меҳнатининг самараси ортиб, янги технологияни қўллайдиганлар сафи кенгая борган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасини ривожланган давлатлар даражасига чиқариш мақсадида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисидаги қонун" қабул қилинди. Таълим Ўзбекистон давлати сиёсатининг устувор соҳасига айланди, улкан ишлар режалаштирилмрқда, давлат бюджетидан бу соҳага катта маблағлар ажратилмоқда. Миллий дастурда ривожланган мамлакатлар даражасида рақобатбардош, юксак маънавий-ахлоқии фазклатларни эгаллаган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсади кун тартибига қўйилди. Илгариги

технологиялар билан бу вазифаларни бажариб педагогик босқичларни четлаб. 5-чи - ЭХМ бўладими ддРОРИК технология воситалари ва парини ўзлаштиришга ўтиш мумкинми? Тажриба бу савога аижобий жавоб беради.

Хозирги кунларда кўпчилик синф хоналарига кириб лим жараёнини кузатган киши мавжуд педагогик тизим биринчи ва иккинчи босқичларга хос эканлигига ишонч ҳосил қилади. Ваҳоланки, ҳозирги пайтда айрим умумий таълим мактабларида педагогик тизимни учинчи, тўртинчи босқичлар даражасида ташкил этиш учун имкониятлар, шарт-шароитлар мавжуд.

Шуни таъкидлаш лозимки, компьютерларни сотиб олиб, синф хонасига ўрнатиш билан ўқитишнинг бешинчи босқичи вужудга кела қолмайди. Педагогик технологияни лойиҳалаш ва қўллаш яхлит жараёнлигини доимо ёдда тутиш ва уни амалга оширишга ҳаракат қилиш, интилиш лозим. Агар педагогик тизимда таълимнинг техник воситаси сифатида компьютер ишлатиладиган бўлса, педагогик тизимнинг бошқа элементлари ҳам шунга мос равишда ташкил этилиши керак, шундагина компьютернинг барча дидактик имкониятларини юзага чиқарадиган янги, такомиллашган педагогик технология ҳосил бўлади.

## ТАЛАБНИНГ БИЛИМ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАЛАРИ

Киши ҳар бир оқилна фаолиятни шу фаолиятни бажариш асодада олдин ўзлаштирилган ахборотлар бевбажаради. Олдин билиб олинган ахборотларга бэхз таянмай, тусмол ва хатоликлар йўли билан Киши бия иши учун характерли бўлолмайди. ахборот маҳорати қандайлиги фаолият ҳақидаги Доио даражасига боғлиқ, фаолиятга ахборотларни ишлата билиш эса айрим ўқув

элементлари ва бутун ўқув предмети мазмунини ўзлаштириш сифатига, яъни ҳаракатнинг мўлжал асоси (ҲМА)ни ўзлаштириш сифатига боғлиқ. Бунда билиб олинган ҲМА, ё айнан ўзлаштириб олинганидек ёки фаолиятнинг шарт-шароитига қараб ўзгартирилган ҳолда ишлатилиши ҳам мумкин. Билиб олинган ахборотдан фойдаланиш усули бўйича ўқув фаолияти репродуктив (эсда қолганига кўра) ва продуктив (маҳсулдор) турларга ажратилади. Қўйилаётган вазифаларни (масалаларни) ечиш учун дастлабки ахборотлардан фойдаланиш усули фаолиятни турларга ажратишнинг умумий принципи ҳисобланади. Репродуктив фаолият маҳсулдордан олдин келиши шубҳасиз, яъни маҳсулдор фаолият ундан ўсиб чиқади.

**Репродуктив фаолиятда** ўзлаштирилган ҲМА, унинг алгоритмлари ва қок\*далари фақат ҳар хил кўринишларда қайта ишлаб чиқилади (таълимда айнан к,айта гапириб беришдан тортиб, ўхшаш вазиятларда бироз ўзгартириб айтишгача), ўқув предметида дастлаб билиб олинган маълумотларга ўқувчи фаолият давомида бирор янги ахборот қўшмайди. Алгоритмик ҳаракатлар, яъни яхши таниш шароитларда ва аниқ тасвирланган қоидаларга биноан ҳаракат қилиш репродуктив фаолият учун характерлидир. Масалан, талаба умумий таълим, ихтисослик предметлари бўйича ўқув қўлланмаларидаги барча масалалар (вазис^алар)ни илгари ўзлаштирилган (билинган) қоидалар ва алгоритмларга биноан ечади, ўқувчининг бундай фаолияти репродуктивлик доирасидаги ҳаракатларидир.

**Маҳсулдор фаолият** жараёнида ўқувчи ҳар доим ўқув предметида ўзлаштириб олинганга нисбатан янги ҳаракат - ҲМА яратади, яъни ўқув -қўлланмасининг мазмунидан фарқ қиладиган янги ахборотни юзага келтиради. Янги ахборотни яратиш доимо изловчилик (тадқиқотчилик) фаолиятида олдинги тажрибага суянади.

Репродуктив ва маҳсулдор фаолиятлар ўзаро боғланган бўлиб, билим эгаллашда шу икки босқичга мос тузилма яратади. Ўқувчи ҳам репродуктив, ҳам маҳсулдор фаолиятга

доир ҳар бир ҳаракатни амални ечиш жараёнининг элементи сифатида бажаради. Психолого-педагогик фанларда масала деганда маълум бир вазиятда маълум ҳаракат ёрдамида бажариш мумкин бўлган маълум бир мақсад тушунилади. Шундай қилиб мақсад, вазият ва ҳаракат масаланинг компонентлари ҳисобланади, Репродуктив ёки маҳсулдор фаолиятни қўллаш компонентлари масалаларда кўрсатилган вариантларга боғлиқ бўлади.

Инсон с(а)олиятининг мумкин бўлган барча тузилмасини турли масалаларни ечиш қобилияти сифатида қуйидаги тўртта изчил ўзлаштириш даражалари (а) шаклида тақдим этиш мумкин: а-1-IV - тўрт даражаси, улар таълим жараёнида шу предметдан ўқувчи билим-тажрибасининг ўсиш (юксалиш) даражаларини акс эттиради.

1 - даража (а-1). Агар масалада уни ечишнинг мақсади, вазияти ва ҳаракати кўрсатилган бўлса, ўқувчидан бу учала компонент масаланинг тузилишидаги барча компонентларга мос келиши ҳақида хулоса чиқаришгина талаб этилади, бу билиш фаолияти ҳисобланади. Ўқувчи уни объектлар, жараёнлар ёки ҳаракатлар ҳақидаги илгари ўзлаштирилган ахборотни қайта идрок қилгандагина бажара олади. Бу ташқаридан алгоритмик кўринишда берилган алгоритмик фаолиятдир.

2- даража (а-II). Агар масала (вазифа)да мақсад ва вазият берилган бўлса, ўқувчидан уни ечиш учун олдин ўзлаштирилган (ўрганилган) ҳаракатни қўллаш талаб этилади, бу - репродуктив алгоритмик ҳаракат. Ўқувчи уни - бу ҳаракатни бажаришнинг олдин ўзлаштирилган мўлжали ҳақидаги ахборотни мустақил қайта тиклаб ва қўллаб бажаради. Буни типик масала дейилади.

3- даража (а-III). Агар масала (вазифа)да мақсад берилган бўлиб, лекин унга эришишнинг вазияти ноаниқ бўлса, ўқувчида «эса вазиятни аниқлаш (тўлдириш) ҳамда бу нотипик масалани ечиш учун олдин ўзлаштирилган ҳаракатни қўллаш талаб этилса, бу эвристик типдаги

маҳсулдор ҳаракат ҳисобланади. Ҷуқувчи бундай фаолм

типик ҳаракатнинг илгаридан маълум мўлжал асос мустақил ўзгартириш жараёнида субъектив (ўзи учун) ян<sup>ни</sup> ахборотни топиш ва нотипик масалани ечиш учун субъект<sup>ни</sup> янги ХМА ни қуриш жараёнида бажаради. Бу, эвристик<sup>ни</sup> фаолият бўлиб, тайёр алгоритм ёки қоидага биноан бажарилмади, балки, ҳаракатнинг ўзи давомида яратилган ёки қайта ўзгартирилган алгоритм ёки қоидага биноан бажарилади. Аниқ бир масалани ечиш ёки лойиҳани тузиш учун натижасини олдиндан фақат умумий тарзда айтиш мумкин бўлса, уни маълум умумий усул билан мустақил равишда ечиш бунга мисол бўла олади.

4- даража (а-1У). Агар вазифа (масала)да фаолиятнинг мақсади умумий тарздагина маълум бўлса, мақсадга эришиш учун вазиятнинг ҳам, ҳаракатни ҳам излаб топиш талаб этилса, бу ижодий типдаги маҳсулдор фаолиятдир, бунинг натижасида фаолиятнинг объектив янги мўлжал асоси яратилади. Фаолиятни бажариш жараёнида объектив янги ахборот олинади. Бунда киши ўзига илгаридан маълум бўлган соҳада "қоидасиз" ҳаракат қилади, ҳаракатнинг янги қоидасини яратади, яъни ижодий (тадқиқотчилик) фаолиятини бажаради. Илмий-ишлаб чиқариш муаммоси сиигари изянишни, тадқиқотчилик ва яратувчиликни тақоза қиладиган фаолиятлар бунга мисол бўла олади.

Фаолиятни ўзлаштиришнинг бу тўрт даражаси - киши маҳорати шаклланишининг изчил фазалари, билим тажрибани ўзлаштиришнинг даражаларидир.

Шундай қилиб билим ва малакалар (фаолият)ни ўзлаштириш сифати бўйича таълим мақсадини диагностика белгилаш - ўзлаштиришнинг зарурий даражаларини аниқлашдан иборат. Масалан, ўқувчидан ўқу<sup>ни</sup> предметларининг кўпини иккинчи (а-П) даражада ўзлаштириш талаб этилади. Таълимнинг бу мақсади дастурда кўрсатилган ўқув элементларини ўқитувчилар типич масалаларни (вазифаларни) ХМА ни ўз хотирасида қайта

лаолият алгоритми кўринишида мустақил

### бажаришидани болага **ЖАРАЁНИ**

-ч.монавий психолого - педагогик фанлар эришган талоога биноан Нсталган ўқув жараёни учта бир-бири билан боғлиқ қисм (компонент)дан иборат: 1. Мотивлар (М); 2 ўқувчининг ўқиш (ўзлаштириш)фаолияти (УФ); 3. ўқувчининг билиш фаолиятини бошқариш (Б). Бошқариш вазифасини муаллим ёки техник воситалар бажаради. Демак, дидактик (ўқув) жараёни (ДЖ.) қуйидаги формула тарзида ифодалаш мумкин:

$$ДЖ = М + УФ + Б$$

Ўқув жараёни қисмларидан ҳар бирида (М,УФ,Б) қандай педагогик мақсад назарда тутилганига қараб таълим-тарбия жараёнининг турли методикв (технология)лари ҳосил бўлади. Бундай методикалар сони жуда кўп бўлиши мумкин. Таълим-тарбия вазифасини ечиш қулай бўлиши учун мавжуд технология (методика)лардан қай бирини танлаш маълум мезонлар асосида амалга оширилади. Шунинг эса тутиш лозимки, таълимнинг мақсади ва ўқув жараёнлари ўзаро бир-бирига айнан мос бўлиши керак: ҳар бир диагностик мақсадга маълум бир таълим-тарбия жараёнида эришиш мумкин ва ҳар бир ўқув жараёнда эришиш мумкин бўлган мақсад қўйилиши зарур.

Педагогик технолхэгиянинг бу қисмларини ишлатаётганда асосатга мослик принципи ва ўқув жараёнини амаллаштириш принципларига риоя қилинади. Табиатга билишнинг тарбия жараёнини ўқувчининг қўлдан ўзлаштириш қобилияти ва ақлий кучлари ўсишига бўлган таълимнинг келишини назарда тутлади. Боланинг ўқишга қизиқиши ва таълим ва тарбиянинг табиатга мослиги таълимнинг ўқув жараёнида эришиш мумкин ва ҳар бир ўқув жараёнда эришиш мумкин бўлган мақсад қўйилиши зарур.

Ўқувчининг билим ўзлаштириш тезлиги (с) жадя принципининг кўрсаткичи ҳисобланади. ""^^

1.ЎҚИШ МОТИВЛАРИ. Педагогик-психологик адабиётларда "мотив" тушунчаси қуйидагича изоҳланади агар таълим-тарбия жараёнида ўқув иши (вазифаси) талаба учун бирор шахсий қимматга эга бўлсагина, кишида унга қизиқиш уйғониши ва таълим мақсади шахснинг ўз эҳтиёжига айланиши мумкин. "Мотив" тушунчаси эҳтиёж, интилиш майл, қизиқиш каби маъноларни ҳам англатади. Мотив -' кишини бирор иш-ҳаракатни бажаришга ундовчи даъват туртки ҳисобланар экан, муаллимлар болада ўқишга мотив ҳосил қилишга интилишлари, ўқув жараёнида уни ҳисобга олиб, ўстириш ва бошқаришлари зарур,

Шуни таъкидлаш лозимки, киши нима учун яхши ўқийди, ёки нега ўқигиси келмайди, деган саволга аниқ, тўғри жавоб бериш - осон иш эмас.

Бирор иш-фаолиятга мотив ҳосил қилиш-бу мураккаб руҳий жараёндир. Мотивларни шакллантириш масаласи индивидуал - шахсий хусусиятга эга бўлиб, таълимнинг мақсади, вазияти билан ўқишни ташкил этиш шакллари, усуллари мутаносиблигини тақозо қилади.

Ўқувчида билим олишга интилиш (мотив) уйғотиш-ижодкор ўқитувчиларга ҳос хусусиятдир. Болада ўқишга мотив ҳосил бўлганини кўрсатувчи муҳим белгилардан бири - ўқув топшириғини бажаришга тезда, астойдил киришиб кетиши, ўқишга бўлган қизиқишнинг барқарорлигидир.

Ўқувчининг билим олиш мотивлари кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Мотивлар ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди. Мотив ҳосил қилишнинг турли йўллари, усуллари мавжуд-

Мо1ив ҳосил қилишнинг оддий усулларида н'0Йри синфдаги машғулот ёки дарслиқдаги матннинг қизиқарлилиги. "Қизиқарли физика", "Қизиқарли химия (мўжизасиз мўжизалар) кабилар бунга мисол бўлади.

Машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятни вужудга

ёки шу мавзуни ўрганишда киши ҳаёти учун келтириш, ўқув-билиш вазифаларини қўя билиш - аҳамиятл усулларидан биридир. Физика, химия, математика адабиётни ўрганишда ҳаётий муаммоларни ҳал Хшгадоирўткирвазиятларкўпроқучрайди.

Бола келгусида касб-ҳунар эгаллаши, жамиятда обрули бўлиши учун бу предметни яхши эгаллаши зарурлигини англаш - мотив ҳосил қилишнинг муҳим усулларидан ҳисобланади.

Таълим олишнинг мақсади мавҳум, ноаниқ бўлса, ўқувчи билим олишга қизиқмай қўяди, муаллимлар, ота-оналар болаларнинг ўқигиси келмайди, деб нолиб юрадилар. Бу ўқув жараёнининг мотив ҳосил қилиш босқичи бўшлигидан далолатдир. Бунда бола муаллимнинг талабларини тушунмай, ҳафсаласиз ҳолатда ўқув топшириқларини номигагина бажаради.

Демак, таълимнинг мақсади ҳар бир ўқувчининг аниқ бир касбни (мутахассисликни) эгаллашига йўналтирилган бўлса, ўқувчида шу касбни эгаллаш учун керак бўладиган фанларни, билимларни эгаллашга майл, интилиш, қизиқиш - мотив ҳосил бўлиши учун қулай шароит яратилади.

**2. ТАЛАБАНING ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИ.** Ўқувчининг билимни ўзлаштириши унинг ўқув-билув фаолияти билан узвий боғлиқлигига энди ҳеч ким шубҳа қилмайди. Педагогика тарихидан маълумки, эски мактабларда, шунингдек Европада XVI-XVII асрларгача схоластик таълим зими ҳукмрон бўлиб, бола ўқув предметининг асосий қисми "латин тилида" эшитиб ўрганарди. Чўнки, - **Ўқувчи учун ахборот олишнинг ягона манбаи бўлган.**

Я.А.Коменский схоластик таълимнинг таълим-тарбиявий асосларини исботлаган эди. Схоластик мартабани кўрсатмаларни ўқитиш усули эгаллади: "юз кўрсатмаларнинг бири марта кўрганафзал". Лекин кўп ўтмай, эмаслигини билиш усули ҳам оптимал (самарали) и маълум бўлди ва билим олишда ўқувчи

фаолиятини ташкил этиш усулига ўтилди: "иш-ҳап бажарилаётганини юз марта кўргандан уни бир ма<sup>а</sup> бажарган яхши" деган хулосага келинди. <sup>м</sup>

Фаолиятли ёндашув таълим жараёнини ташкил этишнинг хилма-хил усулларини вужудга келтирди. Билим олиш учун мотив ҳосил қилиш билан бирга талаба ўқув материални ўзлаштиришга имкон яратадиган ўқув-билув ҳаракатларини ҳам бажариши зарур, яъни ўқувчининг ўзи фаолият кўрсатиб ўқимоғи керак. Муаллимнинг вазифаси - билим олишнинг қулай технологияси (усули)ни танлаб, ўқувчиларга уни бажариш йўллари кўрагандан иборат.

Ҳозирги замонавий педагогика фанида таълимни (фаолияти) ташкил этишга доир бир қанча психолого-педагогик ғоялар мавжуд. Уларни умумлаштириб, талаба ўқув-билув фаолиятининг бйр неча типларини ифодалаш мумкин:

1. Агар таълим мақсади биринчи даражадан юқори бўлмаса (ўқув материални а1 даражасида ўрганиш лозим бўлса), ўқиш репродуктив типда ташкил этилади. Репродуктив таълимда ўқувчининг фаолияти муаллимнинг сўзларини диққат билан тинглаш ёки дарслик билан ишлашдан, ёки ўрганилаётган объектлар, ҳодисаларни кузатишдан, кўрсатмага биноан бирор амалий ҳаракатни тажриба тариқасида бажаришдан иборат бўлади. Шу иш-ҳаракатни барча ўқув элементларини билиб олиш учун бир неча марта бажариш - уни юқорироқ коэффициент ( $K_1$ ) даражасида ўзлаштиришга олиб келади. Ўзлаштириш коэффициенти 0,7 ( $K_1 - 0,7$ ) бўлса, яъни ўқувчи тест вазифа (топшириқ)ларини 70 фоизини тўғри бажарса, таълим тугалланган ҳисобланади, чунки талабаниннг ўқув элементларини ўзлаштириш бўйича кейинги фаолияти  $K_1$  даражадан юқорилаша боради.

2. Таълим мақсади а-11 (ўзлаштиришнинг иккинчи даражасида) бўлса, талабаниннг ўқув-билув фаолияти юқорироқ шаклда бўлиши, яъни фаолият (иш-ҳаракат)нинг асосий алгоритмларини онгли ва мустаҳкам эсд қолдиришни таъминлаши лозим, Бу даражада талаба уқу

айта ифодалай олиши, танқидий мушоҳада  
-материалини бажариш вариантларидан рационал  
варианти, билиши керак. Таълимнинг бу типда ўқувчига  
усулнинг конспект, реферат тайёрлаш, мунозарада  
ўқувчи чиқиш, маъруза қилиш, барча ўқув элементларига оид  
аларни этилади.  
2-даража

лаларни ечиш, дидактик уинларда қатнашиш тавсия  
лади 2-даража тестларни бажариш коэффициентини К II  
Т? бўлса, 2-даражадаги таълим (ўзлаштириш) тугалланган  
ҳисобланади.

3 ўзлаштиришнинг 3-даражаси (а-111)га эришиш учун  
талабанинг ўқув-билув фаолияти тадқиқий, эвристик шаклда  
ташкил этилади. Бунинг учун талаба ўқув материални аввал  
1-ва сўнгра 2-даражада ўзлаштирган бўлиши зарур. Бу  
даражада ўқувчидан ўқув-билув фаолиятининг изланиш  
(эвристик) ҳаракатлари қилишини талаб этадиган муаммоли  
ўқитиш (таълим), иш ўйинлари, бмрор ишни реал мўлжаллаб  
(лойиҳалаштириб) бажариш каби дидактик вазифаларни  
бажариши ўринли бўлади.

4. НИҲОЯТ таълим мақсади 4-даражада ўзлаштиришни  
кўзлаганда, масалан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш  
кабиларда ўқув жараёни тадқиқот натижалари ва  
методикасини таҳлил этиш бўйича мунозаралар, муаммоли  
вазифаларни қўя билиш, индивидуал ва жамоа бўлиб  
тадқиқот ишларини бажариш каби шаклларда ташкил  
этилади.

### **3. ЎҚУВ - БИЛИШ ФАОЛИЯТИЦИ БОШҚАРИШ.**

Галабада таълим мақсадига мос келадиган ўқиш мотивлари  
мавжудлиги ва ўқув-билиш фаолиятининг шакллари тўғри  
танланганлигининг ўзи билим олишнинг мўлжалланган  
(лойиҳалаштирилган) натижаларини эгаллашни кафолатлай  
олмайди. Таълим жараёнини бошқариш усули ҳам тўғри  
ҳисобланади. Ўқув жараёни тугалланган ҳ  
ҳисобланади. Ўқув жараёнини бошқариш зарурлиги  
соннинг тажриба (билим) ўзлаштиришининг хусусиятидан  
лио чиқади. Гап шундаки, кўпгина ўқувчилар  
ўзлаштиришнинг 1-даражасида 0;5 (К1 - 0,5) коэффициентда

Ўзлаштирилганларида (чала-чулпа ўзлаштирилганда) ёқ "б олдим" деб ҳисоблайдилар - "алданиш" содир бўлади "л" бунда талабанинг кейинги ўқув-билув фаолияти самапья бунда бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчи мўлжалланган барча иТ ҳаракатларни тўлиқ бажарганини, ўзлаштириш сифатин назорат қилиб бориш, амаллардаги хатоларни тузатиб бориш зарур.

Ўзлаштириш жараёнини бошқаришнинг энг оддий усули -ўзлаштириш сифатини тестлар ёрдамида вақти-вақти билан назорат қилиб, текшириб боришдир: ҳар бир маезуни ўрганаётганда назорат вақти ва усули ( тест, амалий иш кабилар) олдиндан белгилаб қўйилиши, яъни ўқув жараёни стандартлаштирилиши (шу билан бирга ўқитувининг ижодий ишлаш имконияти ҳам сақланиши) лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, таълим жараёнларининг барчасм учун иш-ҳаракатларни ўзлаштиришнинг ягона, энг яхши усули мавжуд эмас, чунки кишиларнинг ақлий қобилият ва имкониятлари хилма-хилдир. Тажриба шуни кўрсатадики, киши, ҳатто таълим ёмон ташкил этилган' шароитларда ҳам, зарур ахборотларни билиб, ўзлаштириб олиши мумкин. Ёмон ташкил этилган таълим жараёни деганда талабанинг ўқув-билув фаолиятида, ҳаракатларида ўзлаштиришнинг а1 даражасидан изчил равишда а !1, а III, а IV га қараб беришга амал қилмаслик назарда тутилади: масалан, муаллим янги ўқув материални тушунтираётганда (ўзлаштириш ҳали К1 -0,2-0,3 бўлгандаёқ) мураккаброқ (а II, ҳаттоа !!1 даражасидаги) вазифаларни бажаришни таклиф этади. Вазифани ўқувчи бажара'олмаса, бу, боланинг ҳафсаласизлиги , қобилияти йўқлиги тарзида баҳоланади, ҳеч ким бунинг сабаби .ўқитувчи ўқув жараёнини хато ташкил этганида эканлигини хаёлига келтирмайди. Бу ердаги фарқ ўзлаштириш тезлиги ва сифатида бўлади, лекин^билим ўзлаштириш жараёни давом этаверади, уни ҳеч ким тўхтатио қололмайди. Шунга кўра ўзлаштириш алгоритмини ифодалашга нисбатан бир қанча ёндашувлар вужудга келган.

Билим ўзлаштиришда талаба бажарадиган иш-ҳаракатлар

тиришнинг турли назарияларига биноан ўқитувчи  
 назарияларига ёки дарсликдаги кўрсатмага асосланади.  
 тушунтириш назарияга асосланаётганини ўзи  
 айтиш мумкин. Психология, педагогика  
 назарияларида қуйидаги таълим назариялари мавжуд; оддий  
 катта назарияси; ассоциатив назария, бихевиоризм  
 таълимоти. Гештальт назарияси, ақлий иш-ҳаракатларни  
 бажариш босқичма-босқич шаклланиши назарияси кабилар.  
 Таълим жараёнини самарали бўлиши ўқитиш шаклининг  
 замонавий назарияларга қай даражада асосланишига боғлиқ.  
 Замонавий таълим назарияларини таҳлил қилиш ва  
 таққослаш ўқув фаолиятининг умумий формуласини аниқлаш  
 (белгилаш)га имкон беради..

Ўқувфаолиятининг умумий формуласи ўзлаштиришнинг  
 турли назариялари ва фаразияларига биноан ўқиладиган  
 ва изчил машқлар тизимидан иборат бўлган, яъни бўлак-  
 бўлак ўқув-билув ҳаракатларининг изчиллиги - шу назарияда  
бажарилиш алгоритмини ҳосил қилади.

Бажарилиш алгоритмининг ҳар бир қисми таълим  
 жараёнида ўзлаштириш даражалари бўйича изчил  
 ҳаракатлардир. Ҳаракатнинг ҳар бир "қадами" ва шу  
 "қадамнинг" мазмуни ўзлаштириш жараёни асосланадиган  
 назарияга боғлиқ. Ўзлаштириш назариясини танлаш усули  
 ва сифат мезони - ўқитувчининг педагогик фаолияти учун  
 мулжап бўлиб, унинг педагогик технологиясини таърифлайди.

Психология фанида мавжуд ўзлаштириш назарияларидан  
 китасини алгоритмлар кўринишида ифодалаш мумкин.

Ўзлаштириш шаклланиш назариясига кўра  
 таълим жараёни талабанинг ўқув-билиш фаолияти  
 Ушбу ҳаракат шаклида амалга оширилади,  
 мат, т, ... таълим машқца ақлий амаллардан иборат бўлиб,  
 таълим илчилликда бажарилади.

•Ракати шу таълим ўқувчининг дастлабки мулжал  
 (йўл)ларини — бажариладиган ишнинг қоида, усул  
 мулжаппой қоидага биноан вазифани бажаришни  
 жаллаболишиданиборат.

Таълим назариясида ўқув вазифаларини бажариш учун ҳаракатларни қандай тартибда, қайси изчилликда бажариш тавсия этилади (махсус карточка ёки қўлланмада). Бу карточкалар ёрдамида талаба ҳаракатларни бажариб, ижро этиб (ИХ) ўқув материалини ўзлаштира боради. Ҳаракатларни бу тариқа моддийлаштириш дарсликда матн, карта, схема тарзида берилиши ҳам мумкин.

Ҳаракатлар босқичма-босқич шаклланиши назариясида талабанинг ижрочилик фаолияти (И.Ҳ.) босқичма-босқич, ўқув-билиш ҳаракати турли шакллариинг"изчил апамашинуви шаклида бўлади: яъни ташқи, моддий ҳаракатлардан (МҲ) бошланиб; ички ва ташқи нутқ (НҚ) орқали, ички, ақлий ҳаракатлар (АҲ) шаклида ташкил этилади. Алгоритминг бу босқичини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$ИХ = МҲ + НҚ + АҲ$$

Анъанавий таълимда талабанинг ўқув-билиш фаолияти тузилишига нисбатан босқичма-босқич шаклланиш назариясида ақлий ҳаракатларни бажариш алгоритми аниқ қурилганлиги билан ажралиб туради. Чунки мавжуд таълим тизимида синфда дарсларда бола қўл билан бирор ишни бажармай, ҳатто муаллим билан бирга мулоҳаза, фикр ҳам қилмай қанчадан қанча соатларни бефойда, зерикиб ўтказади. Ўқувчилик йилларида шаклланган ақлий ва амалий ялқовликдан киши келгусида қутилиши осон кечмайди, баъзан бундай ёмон одат кейинги ўқиш ва меҳнат фаолиятида сақланиб ҳам қолади.

2.Таълим назарияларининг бир-биридан фарқини кўз олдига келтириш учун кенг тарқалган америка назарияларидан бири-бихевиоризм *таълимотин*^л кўриб чиқайлик. Бу назария билан танишишнинг аҳамияти шундаки, биринчидан америкалик педагог ва психологлар ўқув-билиш фаолиятининг тузилишига катта эътибор бераётганликлари; иккинчидан, муаллимлар тажрибасида учрайдиган механик равишда кўп марта такрорлаб, ёдлаб олиш оддий

бихевиоризмга жуда ўхшаб кетиши маълум бўлади.

Бихевиоризм таълимотига кўра ўзлаштиришнинг умумий формуласи тубандагича: 8 -> В -> Р

бунда 5 - стимул, ҳаракат қилишга ундовчи сабаб ёки ҳаракат қилиш лозим бўладиган вазияти: масаланинг шартлари, савол, сигнал кабилар стимул бўлиши мумкин; Н - реакция, яъни стимулга жавоб ҳаракати, саволга жавоб бериш, масалани ечиш, жйсманий ҳаракат кабилар реакция „ҳ4§8^^,анади; Р - тўғрилигини тасдиқлаш, маъқуллаш; иш-ҳаракат тўғри бажарилганини далиллаш, стимулга жавоб тўғрилигини маъқуллаш; бу оддий ёки маънавий рағбатлантириш йўли билан билдирилади; масалан, ҳайвонлар буюрилган ҳаракатни тўғри бажарса, ширинлик ёки бошқа бирор озуқа билан рағбатлантирилади; бихевиористларнинг фикрича одамга таълим бераётганда оғзаки маъқуллаш, баҳо қўйиш; бош, қўл, кўзҳаракати билан тасдиқлаш кабилар шунга киради.

Р - маъқуллаш, рағбатлантириш бихевиористлар ҳайвонлар устида тажрибалар ўтказиб ишлаб чиққан ўзлаштириш формуласида энгч муҳим ҳисобланади, ҳайвонларни ўргатишда у жуда қўл келади. Инсонга нисбатан бу хулосани абсалютлаштиришга айрим психологлар шубҳа билан қарайдилар. Шунга қарамай бихевиористларнинг таълим жараёнида ҳар бир амал бажарилишини назорат қилиб ва таълим этапларида йўл қўйилган хатоларни тузатиб бориш зарурлиги ҳақидаги хулосалари таълим назарияси ва амалиёти учун муҳимдир. Бу хулосани улар таълим принципи даражасигача кўтарадилар. Шу қоида асосида улар дастурлаштирилган таълим методикасини ишлаб чиқдилар. Унга кўра ҳар бир ўқув матнини қуйидаги қоидаларга биноан тузишнй таклиф этадилар:

5->П бирикма (бирлиги)сида эсда қолдириш учун ўқув материални кичик-кичик бўлақларга ажратиш; . -ўқув элементларини фаолиятда (ҳаракатда)ги ҳар хил кўринишларда қараб чиқиш, яъни шу ўқув элементидаги барча бирикмаларини аниқлаш;

- "назорат - тузатиш" амали ёрдамида жавоб ҳаракати тўғрилигини дарҳол маъқуллаш, рағбатлантириш;  
- ҳар хил машқларни кўп бажариш, такрорлаш йўли билан 3-^В бирикмасини ўзлаштиришнинг камида 0,95 коэффиценти даражасида эгаллаш.

## **Ўқув машғулотини лойиҳалаштириш**

Педагогик технология усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда таълимнинг режалаштирилган мақсадига эришишни кафолатлайдиган ўқув-билиш (ўзлаштириш) жараёни лойиҳалаштирилади.

Мақсадни кўзлаш, жорий натижаларни текшириб бориш, ўқув материални айрим бўлақларга ажратиш - ўқув жараёнини ташкил этишнинг бу белгилари' - қайта ишлаб чиқиладиган (такрорланадиган) таълим циклига хос хусусиятлардир.

Бошқача айтганда, такрорланадиган таълим циклининг асосий қисмлари қуйидагилар;

- таълим мақсадларини умумий белгилаш;
- умумий мақсадни оидинлаштириб, ўқув мақсадларига айлантириш;
- ўқув амаллари мажмуи;
- таълим натижасини баҳолаш.

Ўқув жараёни бундай такрорланадиган шаклга эга бўлгани учун модул характерини касб этади, алоҳида блок (қисм)ларга ажратилади, улар турли мазмунга, лекин умумий тузилишга эга бўлади.

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ТУЗИЛИШИ



Аслида бу, педагогик фаолиятнинг цикли алгоритми бўлиб, уни таълим мазмунининг янги-янги бўлимларига, мавзуларига қўллаш мумкин. Бундай алгоритм аниқ ва самарали ишлашининг сабаби таълим мақсадлари стандартлашган тилга ўтказилганида. Бу, репродуктив таълимга тааллуқлидир.

Таълим жараёнини педагогик технологияга бinoан ташкил этиш учун лойиҳалаштирмish бoсқичида юқори малака талаб этилади, ётақчи методист-педагоглар гуруҳи педагогик технология қоидалари ва принциплари асосида методик материалларни ишлаб чиқади. Бундай материаллар мавжуд бўлса, ўқитувчининг вазифаси асосан ташкилий ишлар ва маслаҳат беришдан иборат (айрим ижодий ўзгаришлар киритиш имконияти сақланган ҳолда) бўлади.

Ўқув жараёнининг ҳамма бoсқичларида асосий эътибор таълим натижасига эришишга қаратилади.

Педагогик технология усули таркибига умумлаштириб айтганда қуйидагилар киради:

1. Таълимнинг умумий мақсадлари, муҳим масала-Паритаснифи.
2. Ойдинлаштирилган мақсад (ўқув вазифа)ларини ишлабчиқиш.
3. Таълимнинг мақсадларини назорат (твст) топшириқларига айлантириш.
4. Мақсадларга эришиш усуллари.

5. Таълим мақсадларига эришилганини баҳолаш. Буларнинг ҳар бири педагогик амалларнинг Қулайлаштирилган тизимидир.

Педагогик технология усулининг умумий тузилмаси

# I

Предмет бўйича мақсад ҳамда вазифалар тизимини ишлаб чиқиш	Таълим мақсадларини назорат (тео) топшириқларига айлантириш	Таълим мақсадларига эришиш усуллари	Таълим мақсадига эришилганини баҳолаш
--	---	-------------------------------------	---------------------------------------

Хатони, тузатиш  
(хусусий ўқув  
мақсадлари учун)

ж о р и и  
назоратга  
биноан хатони  
тузатиш \_\_\_\_\_

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ УСУЛИДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИ ЛОЙИХАЛАШНИНГ УМУМИЙ ТУЗИЛМАСИ

Мавзунинг номй.

Ахборот манбаълари, жиҳозлари; дарслик, ўқув қўлланмаси; ўқитувчи; аудиовизуал воситалар; компьютерга киритилган ўқув материаллари; ўқитишнинг замонавий автоматлаштирилган компьютер тизимлари, мультимедиа кабилар.

1.Мавзунинг умумий мақсади ва мазмуни (ўқитувчининг мақсади сифатида умумий мақсадлар, мавзунинг муҳим масалалари кўрсатилади) 1., 2., 3., 4 .....

2. Мавзунинг мазмунини ойдинлаштирувчи мақсадлар - яъни ўқувчининг мақсадлари сифатида, ўқув вазифалари - қадамлари; талабанинг кузатиладиган, ўлчанадиган ҳаракатлари шаклида, яъни тест саволлари, ўқув вазифаси, бўлаги, топшириғи шаклида ифодаланади; 1., 2., 3., 4., 5., 6., 7., 8.,...

3. Ойдинлаштирилган мақсадларни тест вазифаларига айлантириш: 1., 2., 3., 4., 5., 6., 7., 8. ....

4. Ўқиш-ўқитиш жараёни (дарсни қандай ўтиш стандартлаштирилмайди). Ўқитувчи ўз маҳоратига биноан ўтказди. Педагогик технологиянинг қоидалари, ўқитиш принципларидан фойдаланилади.

б. Ўқувчилар мавзуни ўзлаштирганлик сифатини, яъни таълимнинг режалаштирилган натижасига зоришилганини баҳолаш (шу мавзу бўйича тайёрланган тест вазифалари орқали оғзаки ёки ёзма аниқланади).

## **ТАЪЛИМ МАҚСАДЛАРИНИ ОЙДИНЛАШТИРИШ**

Таълим мақсадининг аниқ фойдаланиши, ўқиш давомида ўқувчи билимни қанчалик ўзлаштирганидан ҳабардорлик, талабанинг ҳаракатлари (фаолияти)га асосланиб ўқитиш - педагогик технологиянинг муҳим жиҳатларидир.

Ўқитувчи ўз олдига, ода+да, талаба ўқув материалининг мазмунини тушуниши, ўзлаштириб олиши ва амалда қўллаб олишни унга ўргатиш мақсадини қўяди.

Жамиятнинг таълим соҳасидаги буюртмаси (мақсади) умумий тарзда давлат ҳужжатларида, давлат бошлиғининг асарлари, нутқларида ифодаланади. Ҳатто ўқув дастурларида кўрсатилган мақсадлар ҳам умумий тарзда бир-икки жумлада ифодаланади, улардан аниқ бир нарсани англаш қийин. Агар жамият - давлат буюртмасидан - таълим тизимининг мақсад-вазифаларига, ундан шу ўқув юртининг, ўқув предметининг, унинг бўлимлари, мавзулари, айрим ўқув масалаларининг мақсади, вазифасига қараб берилса, ўзига хос мақсадлар тизими ҳосил бўлади.

## ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ ТИЗИМИ

Жамият - давлат буюртмаси

### I

Уқув юртининг мақсади

Предметни ўрганишнинг мақсади

Бўлим (модул)ларнинг уқув мақсадлари

1

Жузъий ўқув мақсадлари

1.1

1.2

1.3

1.4

Ўқитувчилар одатда жузъий ўқув мақсадларини қуйидаги йўллар билан белгилайдилар.

**1.Мақсадларни таълим мазмунига биноан белгилаш.**

Ўқитувчи одатда, дарснинг мақсадини "Бобур лирикасини ўрганиш" ёки "Биринчи бобнинг мазмунини ўзлаштириш" каби белгилайди. Бунда таълим мақсади ўрганилаётган предметнинг, билимнинг мазмунини кўрсатади. Мақсад бундай ифодаланганда таълим мақсадига эришилганлигини аниқлаб бўлмайди. Келтирилган мисоллардаги "мақсадлар" мавхум улардан мақсадга эришишнинг ўлчаб, аниқлаб бўлмайди.

**2. Таълим мақсади\*»! ўқувчи фаотитт орқа/ш жиқлаш.**

"З.М.Бобурнинг бадиий-педагогик меросини ўргатиш", "10 ичида қўшиш амалига доир мисоллар ишлатиш". Мақсадни бундай қўйишда эътибор\*муаллимнинг (}аолиятига кэратилади. Буида ҳам педагог с)аолиятининг натижасини аниқлаш к^йин.

**3. Таъғашмақсадларини талаба шахсининг рух^, ж/мй, ахлоқий, эстетик жараёнлари шаклида ифодалаш.** Масалан, "Кузатилган жонли табиат ҳодисаларини таҳлил этиш

малакасини ҳосил қилиш", "Кўпайтириш ва бўлишга доир амапларни мустақил бажариш қобилиятини ўстириш", "Экологик ҳодисаларга қизиқишни шакллантириш" кабилар. Таълим мақсадини бундай умумий тарзда белгилаш ўқув юртигўқув фани ёки бир гуруҳ ўқув предметлари даражасида бўлиши мумкин. Лекин айрим машғулот, дарснинг мақсадини бундай кенг ифодалаш фойдасиз. Бунда ҳам дарсда, машғулотда қандай натижага эришилишини билиб бўлмайди.

**4. Таълим мақсадини талабанинг ўқув-билиш фаолияти орқали қўйиш.** "Машғулотнинг мақсади - юз ичида қўшиш ва айришга доир масалалар ечиш". Бир қарашда таълим мақсадини бундай қўйиш машғулотни режалаштириш ва ўтказишга аниқлик киритганга ўхшайди. Лекин бунда ҳам энг муҳим нарса - машғулотдан кўзда тутилган натижа эътибордан четда қолади.

. Педагогик технология тарафдорларининг фикрича, таълим мақсадларини предметнинг мазмуни, ўқитувчи ёки ўқувчи фаолияти орқали белгилаш машғулотдан кутиладиган натижа ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди. **Таълим натижасини ўқувчининг кўзга кўринадиган ҳаракатларидан, ташқи белгиларидан билиб олиш мумкин.** Ўқитувчи таълим мақсади - натижасини ойдинлаштириш учун кутилаётган *натижанинг ташқи, кузатиладиган (ҳаракат, нутқ) белгиларини аниқ, яққол тасвирлашилозим.*

Педагогик технология таклиф этаётган мақсадни белгилаш усулининг моҳияти шундан иборатки, **таълим мақсади, ўқувчининг ҳаракатларида акс этган ўқиш-ўқитиш натижалари орқали ифюдаланади ва бу ҳаракатларни муаллим ёки бирор эксперт кўриб, эшитиб билиши ёки ўлчаши мумкин.**

АҚШ. Англия ва бошқа айрим мамлакатларда таълимнинг мақсади ўқитувчи ва талабалар учун алоҳида-алоҳида ифюдаланади. Бунда маълум мантиқ бор, чунки таълим-муаллим ва талабанинг биргаликдаги ўқитиш ва ўқиш фаолияти. Бу жараёнда мақсад ўқитувчи фаолиятига (ўргатиш, тушунтириш, намойиш этиш, гапириб бериш) ҳам, таълим натижаси, таълим вазифалари эгаллаб олинган ҳаракатлар шаклида талабанинг фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Яъни таълим вазифалари

талабалар шу машғулот охиригача (илгари билмаган, қила олмаган иш-ҳаракатларини, билим ва кўникмаларни) билиб олиши ва бажара олиши зарурлигини англатади.

Таълим мақсад (вазифа)лари - диагностик, ўқиш-ўқитиш қайта ишлаб чиқиладиган (такрорланадиган) бўлиши учун ҳар бир мақсад эришиладиган бўлиши лозим, яъни таълим мақсади шундай ифодаланиши лозимки, унга эришилгани ҳақида айнан бир хил ҳукм чиқариш мумкин бўлсин. Педагогик адабиётларда **талабанинг ўрганиш наижасини англатадиган вазифалар ойдинлаштирилган ўқув мақсадлари дейилади.** Ойдинлаштирилган мақсадлар талабанинг кузатиш, ўлчаш мумкин бўлган ҳаракатларини назарда тутати.

Мавжудтаълим мазмуни кўпинча мавзулар шаклида бўлиб, улардан аниқ бир хил маъно англатадиган ўқув мақсадларини ажратиб олиш қийин. Ўқув вазифа (ойдинлаштирилган мақсад)ларини ифодалашни осонлаштириш мақсадида талаба билиб олган ҳаракатларни акс эттирадиган феъллардан фойдаланиш тавсия этилди. Масалан, - билади (аниқ фактни, қондани); изоҳлайди (схема, график, диаграммани); чиқаради (хулосани); қўлайди (тушунчани янги вазиятда); намойиш этади, ажратади; топади (хатони) кабилар.

Маълумки феъллар умумий ёки аниқ маъно билдириши мумкин. Таълим вазифасини ифодалаш учун аниқ маъно билдирадиган феъллардан фойдаланиш лозим.

Ойдинлаштирилган ўқув мақсади (вазифаси) кутилаётган натижанингўлиқтавсифи эмас, балки шунга яқинроқ, шу усулда эришиш мумкин бўлган натижа тасвиридир.

Шуни таъкидлаш лозимки, таълим вазифаларини юқорида айтилган даражада ифодалаш айрим ҳолларда жуда мураккаб иш. Чунки таълим натижасини баъзан бўлақлардан ташкил топган бутун шаклида ҳосил қилиш мумкин, баъзан қисмлар бутун ҳосил қилмаслиги ҳам мумкин. Таълимнинг репродуктив даражасида ўқув мақсадларини ойдинлаштириш осон. Лекин ижодий-тадқиқий таълимда мақсадлар умумийроқ, муаммоли характер касб этади. Бундай пайтда Б.Блум "таксономияси" асосида умумийроқ мақсадлар таснифидан фойдаланишга тўғри келади.

## Б.Блум таксономияси (таснифи)

т/Р Таълим мақсадларининг асосий (жинс) тушунчалари	Тур тушунчалар ■ ■	Тур тушунчалар- нингўриниш (қисм)лари
1. БИЛИШ. Ўрганилган материални эсда қолдириш ва эслаб айтиб беришни англатади. Бу аниқ фактлардан тортиб, бутун бошли назария-ларгача тааллуқли. Унинг умумий белгиси-тегишли маълумотларни эслаш.	Фактларни билиш. Фактларни танлаш усулларини билиш. Умумий тушунчалар, назарияларни билиш.	Атамаларни билиш Маълум фактларни билиш. Белгилашларни билиш. Ривожланиш тенденцияларини билиш. Текшириш ва баҳолаш мезонларини билиш. Тадқиқот усулларини билиш. Принцип ва қоидаларни билиш. Назария ва қурилмаларни билиш.
2. ТУШУНИШ. Унинг белгилари - ўрганилган ўқув материални бир шаклдан иккинчи шакл-га айлантириш, бир тилдан иккинчиси-га (баёнчиликдан математика тилига) ўтказиш. Ўқувчининг материални қисқг баён этиб тушунтириши, ҳодисанинг давомини айтиши.	Ўқув материали мазмунини ифода-лаш, бир тилдан иккинчисига ўтка-зиш. Интерпретация (изоҳлаш, шарҳ-лаш). Экстрапояция (маъносини аио-логия билан тушунтириш).	

1	2	3	4
3.	<p>УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР, ҚОИДАЯАР, МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШ. Таълим натижаси материални яхшироқ англашни тақозо қилади.</p>	<p>Методлар, қоидалар, умумий тушунчаларни қўллаш.</p>	
4.	<p>АНАЛИЗ. Бу - бутунни қисмларга ажрата олиш, қисм, қисмларнинг боғиқлари ва ўзаро муноса-батларини белгилай олиш, бутунни тузиш принципларини англаш демақцир.</p>	<p>Қисмларни анализ қилиш. Қисмлар орасидагс муносабатларни таҳлил этиш Бутунни тузиш принципларин<sup>^</sup> таҳлил қилиш.</p>	
4 <sup>^</sup> О	<p>5. СИИТЕЗ. Янги қурилма яшаш учун шу қисмлардан бутунни ҳосил қилиш. Таълим натижалари ўқувчидан ижодий фаолиятни, янги схема ва қурилма яратишни назарда тутди.</p>	<p>Иншо ёзиш. Иншо режасини тузиш. Қисмлар асосида бутуннинг шакли (образи)ни яратиш:</p>	
6.	<p>БАҲОЛАШ. Таълим мақсадиға биноан материаллар ва методларни баҳолаш. Бу меъёр олдинги барча мезонлар (қўрсаткичлар) бўйи ча ўқиш натижаларига эриилтганликни, шу билан бирга аниқ мезонлар асосида ҳукм (хулоса) чиқаришни назарда тутди.</p>	<p>Ички мезонлар (тузилиши, мантиқий) асосида б.аҳолаш.- Ташқи мезонлар (белгиланган мақсадға мос келиши)с.а<sup>^</sup>биноан баҳолаш. * ;</p>	

"Таксономия" Тушунчаси-объектларни - уларнинг табиий ўзаро боғланишлари асосида^ таснифлаш ва тизимлаштиришни билдиради. Ўқув мақсадларининг Б.Блум таксономияси дунё миқосида кенг тарқалган. Б.Блум таксономияси тест топшириқларини ишлаб чиқувчиларга ўқув материали элементини унда кўрсатилган ўқув мақсадлари тушунчаларидан: бир|^га киритишга имкон яратади, бу эса тесттопшириғини ифодалашни енгиллаштиради, унинг турли вариантларини ишлаб чиқишга имкон яратади.'

Б.Блум таксономиясини қўллаш умумийроқ таълим мақсадларини (ойдинлаштирилган таълим мақсадини ифодалаш қийин бўлган ҳол-ларда) ифодалашга имкон беради.

Тест топшириқларини ишлаб чиқишда Б.Блум таксономиясидан изчил фойдаланиш турли вариантларда бўлиши мумкин. Ойдинлаш-тирилган ўқув мақсадларини ишлаб чиқишни енгиллаштирадиган вариантларидан бири: Б.Блум таксономиясига биноан, аввало, умумийроқхусусий таълим мақсади "билиш", "тушуниш", "қўллаш" ва бшқа тушунчалар бўйича аниқланади,, сўнгра таълим натижасига мосроқ феъл танланади.

Б.Блум таксономияси бўйича у ёки бу ўқув мақсадлари тушунчасига мос келадиган феъллардан намуналар;

Билиш : қайта ишлаб чиқмоқ, ёзиб қўймоқ маълумот бермоқ деб айтмоқ ёзмоқ, Тушукиш: далил келтирмоқ, алмаштирмоқ, • ойдинлаштирмоқ, белгиламоқ, тушунтирмоқ, Қўллаш: жорий этмоқ, •

ҳисоблаб чиқмоқ, намойиш этмоқ, фойдаланмоқ,

тасвирламоқ,  
ажратмоқ,  
танимоқ, гапириб бермоқ,  
такрорламоқ. ■  
ўтказмоқ,  
айлантирмоқ,  
кўрсатмоқ,  
шарҳламоқ,  
очмоқ. белгилаш,  
жорий этиш,  
аниқламоқ, рўёбга чиқариш,

Анализ:	ўргатмоқ, чиқармоқ, ажратиш, табақалаштириш, таснифлаш,	ечмоқ. олдиндан айтиш, бўлиб чиқмоқ. тақсимлаш, текширмоқ.
Синтез:	ихтиро қилмоқ, умумлаштириш, бирлаштириш, режалаштириш, ишлаб чиқиш,	тизимлаштирмоқ, бирлаштирмоқ, тузмоқ, яратмбк., лойиҳалаштирмоқ
Баҳолаш:	исботламоқ, ўлчамоқ, асослаш, маъқуллаш,	баҳо бериш, текширмоқ, назорат этмоқ,

. таққослаш. **Б.БЛУМ**

### ТАСНИФИ (ТАКСОНОМИЯСИ)ГА БИНОАН ТЕСТ ТУЗИШ СХЕМАСИ

солиштирмоқ,

1->	Ўқув вазифа- си (ойдинлаш- тириладиган мақсад) ни ифодалаш.	->	Ойдинлаштири- ладиган мақсадни тест топшириғига айлантириш.
-----	---	----	---

Ўқув маса-  
ласини  
ўрганиш  
натijasининг  
тасвири \_\_\_\_\_

Б.Блум таксо-  
номияси  
асосидан ат  
ижани  
тасвирлаш.

Ч Б.Блум таксо-  
номияси  
тушунчаларга  
йсосан тест  
топшириқларини  
ишлаб чиқиш

-^  
Тест топши-  
риқлари  
вариантлари-  
ни ишлаб  
чиқиш \_\_\_\_\_

-»	Б.Блум таксо- номияси асосида ўқув натijasининг тасвири	Ўқув вазифаси (ойдинлаш- тирилган мақсад) ни ифодалаш
----	---	---

ЎҚУВ ВАЗИФАЛАРИ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ УМУМИЙ  
СХЕМАСИ

- ўқув предмети бўйича хусусий мақсадларни ишлаш

**I**

Яқуний тестдаги тест топшириқлари миқдорига тенг муҳим ўқув вазифаларини ажратиш

Шу ўқув масаласини!  
ўзлаштирган талаба  
базара оладиган ҳара-  
катни ифодаладиган  
феълни танлаш

**т**

Эришилганини аниқ  
билиш ёки ўлчаш мумкин  
бўлган ойдинлаштирилган  
ўқув мақсадини ишлаб  
чиқиш

Б.Блум таксономияси  
умумий атамаларида ўқув  
мақсадини ифодалаш

**Т**

Б.Блум таксономиясидаги  
ўқув мақсади тушун-  
часини талабанинг ҳара-  
катларида яққоллаштириш

Янги педагогик технологияга биноан ўқув жараёнидаги муҳим ўзгаришларнинг йўналишлари қуйидагилар: диагностик мақсадлар асосида ўқув мақсадларини ойдинлаштириш; жорий ва яқуний баҳолашларни аниқ ажратиш; режалаштирилган таълим натижасига эришишни кафолатлаш; ўқув фаолияти кўринишларини ҳамда ўқитувчи ва талабанинг ўзаро таъсири воситаларини шароитга қараб танлаш; ўқув материални репродуктив топшириқларни бажариш орқали ишлаб чиқиш; эталон - натижани



## ТАЪЛИМ МАҚСАДЛАРИНИ ТЕСТ (НАЗОРАТ) ВАЗИФАЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ

Назорат топшириқлари ойдинлаштирилган мақсадлар (ўқув вазифалари) билан бирга ишлаб чиқилади. Буни тизимли ёндашув тақозо этади: машғулот режаси ва матни (кейин ўтказиладиган дарс ҳам ) таълимнинг мақсади ва вазифаси билан узвий боғланиб, таълим натижасига эришишга йўналтирилади,

Якуний тестни ишлаб чиқиш назорат вазифалари туқдорини аниқлашдан бошланади. Уларнинг сони назорат турига, таълим мақсади ва вазифаларига эришилганини қанчалик чуқур текшириш режалаштирилганига боғлиқ.

Айрим ўқув юртларида якуний назорат учун тест вазифалари миқдори олдиндан белгилаб қўйилади. Одатда, жорий назорат учун -10-15 та (10-15 мин); оралиқ назорат учун -25-30 та (30-40); якуний назорат учун - 50 ва ундан кўпроқ (1-1,5 соат) тест вазифалари бўлиши мумкин (ФарберманБ.Л.).

### МАҚСАД ВА ЎҚУВ ВАЗИФАЛАРИГА АСОСЛАНГАН ТЕСТЛАР

Ўқувчилар билимини баҳолашда ҳар доим "нимани баҳолаш керак?" деган савол қўндаланг туради. Педагогик технология "Предметни ўқитиш ва ўрганиш мақсади ва вазифаларига эришиш даражасини" деган жавобни беради. Бунда мақсадни ўқитувчи фаолияти билан боғлаш (ўргатиш, тушунтириш, айтиб бериш, намойиш этиш кабилар), вазифаларни эса ўқувчининг фаолияти, яъни таълим натижаси-билан боғлаб ифодалаш маъқул. Чунки, **вазифа - талаба илгари билмаган нарсасини шу машғулотда билиб олиши ёки бажара олиши керак бўлган ўқув элементи**дир.

Ўқувчи олдида қўйиладиган вазифа таълимнинг натижаеи ҳисобданади. Демак, текшириладиган ва баҳоланадиган нарса, бу - таълимнинг натижасидир.

Ўқув вазифаларини аниқроқ ифодалаш учун қуйидагиларга амал қилиш лозим:

-ҳар бир муҳим масала - вазифалар гуруҳини ифодалашни; "машғулот охиригача талабалар...ни билиши керак" ибo| .си билан бошлаш;

-ҳар бир вазифани тартиб рақами билан белгилаш;

-ҳар бир вазифани "санаб кўрсатинг, айтинг, эсланг, намойиш этинг, бажариб кўрсатинг, танланг, ҳисоблаб чиқинг" феъллари воситасида ифодалаш;

-ҳар бир вазифани ўқувчининг фаолияти атамаси билан бўйиш;

-ҳар бир вазифа таълимнинг айнан бир натижасини кўзда тутсин (бир саволга икки-учта жавоб бериш мумкин бўлмасин);

-ҳар бир вазифани ўзлаштириш натижасини, мақсадга эришилганини ўлчаш мумкин бўлсин.

Ўқув вазифалари бирор ўқув масаласини: мавзу, бўлим ёки предметни ўрганиб чиқилгач, талабанинг билим ва кўникмаларини объектив баҳолаш (оғзаки; ёзма ёки тест усулида)га имкон яратиши лозим.

Ўқув вазифалари (ойдинлаштирилган мақсадлар)ни аниқлаб ифодалагач, таълим натижасини текшириш учун назорат вазифалари тузилади. Назорат вазифалари оғзаки сўраш, ёзма иш олиш ёки тест ўтказиш учун саволлар, топшириқлардан иборат бўлиши мумкин.

Ўқув вазифаларини ифодалаш учун феъл шаклини тўғри танлаш муҳим, чунки у;:талаба 1"у ўқув вазифасини ўзлаштиргач бажара оладиган ҳаракатни билдириши зарур. Масалан, оғзаки ва ёзма нутқ соҳасида ўқув вазифаларини ифодалаш учун: гапириб беринг, ёзинг, хулоса қилинг, айтинг, ўқинг, бўғинларга ажратинг каби.

Агар таълимдан кутиладиган натижа ўқув вазифаси шаклида ифодаланган бўлса, сўнгра у назорат вазифасига

осон айлантирилади ва таълим натижасига эришилганини текширишга хизмат қилади. Назорат вазифалари оғзаки, ёзма ёки тест шаклида бўлиши ..мумкин.

Тест топшириғининг мазмуни ойдинлаштирилган / мақсаддаги феълга боғлиқ. Талабанинг ҳаракатини кўрсатадиган, сўнгра таълим жараёнида рўёбга чиқарилиб, тегишли тест вазифаси билан текшириладиган феълни танлаш жуда Муҳим.

**Ойдинлаштирилган мақсадни тест вазифасига айлантириш намунаси:**

Вазифа	Тест топшириғининг шarti (саволи, топшириғи)	Жавоблар
Муҳим воқеанинг аниқ вақтини кўрсатиш	Ўзбекистон қайси йилда мустақилликка эришди?	А. 1989 В. 1990 Д. 1991 С. 1992 Е. 1993
Баён матнни математик ифодага айлантириш	Пифагор теоремасининг математик ифодаси	Жавоб: $c^2=a^2+b^2$
Схема (график, диаграммани) изоҳлаш	V тезлик / вақт	А. Текис ҳаракат. В. Тезлашган. Д. Секинлашган.
	0 1 Бу график қандай ҳаракатни билдиради?	

Яна бир мисол. Айтайлик, "Ойдинлаштирилган ўқув мақсади" тушунчаси қандай ўзлаштирилганини текшириш талаб этилади.

Бундай тест вазифасининг уч этапи қуйидаги таблицада келтирилган:

- ҳаракатни тасвирлайдиган феъ;;! кўрсатилган;
- шу ҳаракатнинг тўлиқ тасвири берилган;
- тегишли тест вазифасининг шarti ифодаланган.

**Мақсадни тест вазифасига айлантириш намунаси:**

г/Р	Ҳаракатни тасвирлайдиган феъл	Аниқ ҳаракатларининг кўринишлари	Тест вазифасининг шarti (саволи, топшириғи)
1.	Таъриф бериш	Оғзаки ёки ёзма тасвирлаш (муҳим белгилари, хусусиятларини)	"Ойдинлаштирилган ўқув мақсади" атамасининг таърифи
	Тугаллаш	Таърифда қолдирилган сўзни қўйиш	Ойдинлаштирилган ўқув мақсади ҳақида <u>тест вазифаси тузиш</u>
	Ажратиш	Бутунни таркибий қисмларга бўлиш	Б.Блум таксономиясига доир тавсифлар"

Юқоридаги таблицага мос тест вазифаларидан намуналар:

1. Ойдинлаштириладиган ўқув мақсадини белгиланг.

Жавоблар:

А.Педагогнинг машғулотда талабага ўргатиш мақсади.

В.Маълум бир ўқув вазифаси бўйича талаба ўрганишининг айни натижаси.

Д.Талабанинг предметни ўрганиш мақсади.

Е.Талабанинг мавзуни ўрганиш мақсади, Тўғри

жавоб: В.

2. Ҳамма тасвирий белгилари тўла ва ишонarli қилиб

кўрсатилган таълим мақсадини ..... дейилади.  
Тўғри жавоб: ойдинлаштирилган.

3. Б.Блум таксономияси ва унинг категорияларига доир  
тест:

- 1.Тушуниш. А. Бутуннинг принципларини аниқлаш.
- 2.Анализ. В.Факт ва оқибат ўртасидаги фарқни ажратиш.
- Д. Ўқув матнини математик шаклга айлантириш.
- Е.Ноаниқ тахминларни ажратиш. Г.Воқеанинг  
давомини айтиш. Тўғри жавоб: 1-Д,Г; .2-А,В,Е.

### **ЎЗЛАШТИРИШНИНГ ТУРЛИ ДАРАЖАЛАРИ УЧУН ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ**

Тест топшириқларини бажартириш билан талаба ўқув  
материалини ўзлаштиришининг турли даражаларини  
текшириш мумкин. Талабанинг психик хусусиятларига кўра  
ўзлаштириш даражалари тўрт турга бўлинади:

- 1.Ахборотни эсда сақлаш, таниш ва қайта тиклаш.
- 2.Репродуктив тафаккур.
- 3.Маҳсулдор тафаккур.
- 4.Тадқиқий-ижодий фикрлаш.

#### **1 .Ахборотни эсда сақлаш, таниш ва қайта тиклаш.**

Ўзлаштиришнинг бу даражасида талабанинг  
хотирасигагина боғлиқ билимлар аниқланади. ■

Мисол: Доиранинг юзаси формуласини белгиланг.

А.  $2P^2$ ; В.  $PB \ 2/2$  ; Д-  $PF! \ %$  ; £■  $PF!$ ; Г.  $2PB$ ;

Бу тест топшириғи ўқувчидан  $PP^A$  формуласини эслашни  
талаб этади. Уни бажариш учун битта ақлий амал - бешта  
формула ичидан тўғрисини танлаб олиш кифоя. Бу  
ўзлаштиришнинг оддий, лекин муҳим даражасини  
текширишдир, чунки таълим жараёни кўп маълумотларни:  
даражалар, фактлар, воқеалар, формула, қоида, қонун  
кабиларни эсда сақлаш зарурати билан боғлиқ. Назоратнинг

бу тури таълим мақсадига эришиш учун етарли эмас, чунки ахборотни эсда қолдирган ўқувчи тестда юқори натижа кўрсатиши, лекин уни амалда қўллашни билмаслиги мумкин, яъни таълим мақсадига эришилди, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ахборотни эсда сақлаш ва қайта тиклашга доир топшириқлар билан бирга тестларда олинган билимларни амалда қўллаш малакасини текширишга доир топшириқлар ҳам бўлиши керак. Ўзлаштиришнинг юқорироқ даражасини текширишга доир тест вазифалари шу мақсадга хизмат қилади.

## **2. Ўзлаштиришнинг репродуктив даражаси**

Репродуктив даражадаги тест топшириқлари талабадан олдин ўзлаштирилган билимлар асосида шунга ўхшаш (типик) вазиятларда иш-ҳаракатни мустақил бажара олишни талаб этади. Бунда ўқувчи илгари билиб олган қоида, алгоритмларни эсга тушириб, амалда қўллаши лозим.

Мисол: 2 см радиусли доиранинг юзаси .... тенг. , Олдин келтирилган мисолдан фарқли ўлароқ бу тест топшириғини хотирага биноан бажариб бўлмайди, бу ҳисоб-китобни тақозо этади. Ақлий амаллар миқдорини ҳисоблаб чиқайлик:

1.  $PB^2$  формуласини эслаш.
2.  $P-3,14$  (вергулдан сўнг икки белги-рақамигача аниқлаб) эъанлигини эслаш.
3. Радиуснинг узунлигини квадратга келтирш:  $2^2 = 4$ .
4. Доиранинг юзасини ҳисоблаш:  $3-12,56$ .

Ақлий амаллар сони - 4. Тўғри жавоб:  $3-12,56$ .

Ўзлаштиришнинг репродуктив даражасига доир топшириқлар педагогик тестларда кенг қўлланилади. Улар ёрдамида талаба билиб олган қоидалар, принциплар, назарий қоидаларни аниқ вазифаларни бажаришда қўллай олиш малакаси текширилади. Агар ўқувчи билимларини

назорат қилиш фақат репродуктивдаража билан чекланиб қолса, бу талабанинг ақлий ривожланишига тўсқинлик қилади, фикр қоқоқлиги, турғунлигига олиб келади. Шунингучун ҳам тестлар таркибига ўзлаштиришнинг янада юқориоқ даражасига доир трпшириқларни ҳам қўшиш тавсия этилади.

### 3.Ўзлаштиришнинг мақсулдор даражаси


Ўзлаштиришнинг мақсулдор даражаси ўқувчидан нотипик вазифа (масала)ларни ечиш учун илгари ўрганилган билимни мустақил қайта ўзгартира олишни талаб этади. Ўқувчи бунда тайёр намуна ёки қоидага биноан эмас, балки ўзи мустақил тузг'н алгоритм бўйича ҳаракат қилади (ишни бажаради). Одатда бундай вазиятда талаба олдинги билим ва тажрибаларига асосланиб, янги вазиятда бирор масалани мўлжал билан ҳал қилади.

Ўзлаштиришнинг мақсулдор даражасига оид тест топшириғи:

Мисол.

Доира юзасининг А. 3:1  
 ичкаридаги доира В. 4:1  
 юзасига нисбати. Д. 6:1  
 Е. 8:1  
 Г. 10:1

Я = 4;  $r = 2$



Бу вазифани турли йўллар билан ечиш мумкин. Ечиш усулларидан бири:

1. Иккита доира юзасининг нисбати ҳақидаги теоремани эсга тушириш (улар радиусларининг квадратига тааллуқли).
2. Катта радиуснинг квадратини ҳисоблаш:  $R^2 = 4^2 = 16$
3. Ичкаридаги доира радиусининг квадратини ҳисоблаш:  $r^2 = 2^2 = 4$

,6.44Г"°"="^»^асида,,ичи.дои -об\*Г,ГзГ^Кар,^™ доираГ"°"°

"\_!

яратишни тяпой ^и, ечиш жяпо ' ^^салани ри, ^  
Бундай тат,п,!. "^.^.^ ^!""Иахбопг!^  
^аҳсулд^^!;^Р >^°сил бўлади "а^ижасида чу^.

^^сттопширигигамисол:

49

25

, Схемада уия ^/  
«вадратларнинг!» "^^Драт тат^ ^ ..... 'О '


тест топшириғидаги математик ҳисоб-китоблар жуда й уни ҳеч қийинчиликсиз бажариш мумкин. Бунинг  $n$  энг муҳими, катта квадрат билан кичикроқ  $n$  адратларнинг  $P=O$  томонлари умумий узунлиғи  $n^2$ птасидаги боғланиш (алоқа)ни акс этдирадиган хулосалар занжирини тузиш лозим. Бу топшириқ ўзлаштиришнинг маҳсулдор даражасига оид бўлиб, талабадан мантиқий фикрлашни талаб этади. Тўғри жавоб: В. - 100.

Ўқув материални турли даражаларда ўзлаштиришга доир тест вазифаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ахборотни эсда қолдириш ва қайта тиклашни текширишдан репродуктив даражага, сўнгра маҳсулдор мантиқий фикрлаш даражаларига ўта борган сари назорат қилинадиган билимлар ҳажми, уларнинг тизимлилиги; муҳим асосий жойларини ажрата олиш кўникмаси, билимларни амалда қўллаш малакаси орта боради. Тест вазифалари ўзлаштиришнинг қанча юқори даражасида бўлса, бажариладиган амаллар с.они шунча кўп бўлади.

#### **4. Тадқиқий - ижодий даража**

Ижодкорлик - моддий ёки маънавий соҳада объектив янги нарсани яратиш, ҳозиргача ечилмаган бирор муаммони ечиш демақдир. Маълумки тест топшириғи туғри жавоб мавжуд бўлишини назарда тутати. Шунинг Учун ҳам "соф ҳолдаги" ижодий тест топшириқларини Узиш мумкин эмас. Тадқиқий-ижодий даража деганда Ижодкорликка яқинроқ бўлган ностандарт ёндашув, афаккур, хаёл қилиш кабилар назарда тутилади.

Тесттопшириғига мисол  
 Ұзлаштиришнинг тадқиқий-  
 ижодий даражаси.



Зархал бүйек билан  
 бұяладиган майдон (юза)  
 ..... тенг.

Усталар бинонинг ички  
 деворларини пардозлаш ва бұяш  
 билан банд. Деворлардан бйрида  
 айлана шаклида дераза мавжуд.  
 Пардозлаш мақсадида усталарга  
 айлана шаклидаги деразага  
 ұхшатиб, айланага тегизиб ва шу  
 баландликда иккита тикка чизик  
 ұтказиш таклиф этилди, сўнгра  
 улар фигурага тегизиб, юқоридигН\* «%»;г^  
 ва пастдан ярим доиралар  
 қўшишлари керак. Чизиклар ва  
 дераза оралиғидаги майдон зархал  
 бүйек билан бұялиши зарур. Ҳар бир  
 квадрат сантиметрга бунча бүйек  
 кетади. Иккита ярим ёй шаклидаги  
 юзага қанча зархал бүйек керак  
 (айлананинг берилган радиусида)  
 ёки уларнинг юзаси қанча?  
 Ш.Б.Фарбермаи) \_\_\_\_\_ ; \_\_\_\_\_

Бу вазифани ечиш учун тайёр қоида йўқ, унй ишлаб чиқиш зарур. Бу мисолни ечиш учун айлана дераза (ойна)га тегизиб, кўндаланг чизикларнинг ёнидан иккита тўғри чизик ұтказилади. Ҳосил бўлган квадратга фикран юқориги ва пастки ярим ойлар туширилади. Шунда зархал бүйек бұяладиган майдон  $2R$  ёни билан квадрат ичига киради. Тўғри жавоб:  $4R^2$

### ТЕСТ ВАЗИФАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАРИ

Тест топшириқлари мазмунига кўра тўрт турга бўлинади: ёпиқ, очик, мослик ва изчилликка оид тестлар. Тест вазифаларининг бошқа шакллари ҳам мавжуд (занжирли, матнли, вазиятли кабилар).

**Ёпиқ тест** - тест шарти савол ёки бирор вазифа ва қисқа жавоблардан иборат бўлиб. кўпинча жавоблардан биттаси тўғри, қолганлари тўғри жавобга ўхшашроқ бўлади. Ёпиқ тест деб аталишининг боиси шундаки, текширилувчи қўйилган шартга (саволга) ўз "жавоби"ни беролмайди, у тестда келтирилган жавоблардан бирини-ўзича тўғри деб

ҳисоблаганини танлаши, белгилаши мумкин, холос. Ёпиқ тест вазифасида бир неча тўғри жавоб бўлиши ҳам мумкин.

Ёпиқтест топшириқларини тузишда тест шартини бирор вазифа, топшириқ шаклида, шунингдек савол шаклида ифодалаш тавсия этилади. Тест вазифасини тузувчи киши кўп саволлар орасидан айнан шу саволни бериш лозимлигига амин бўлмоғи керак. Сўнгра у тест шартини ва жавобларини шундай ифодалашни лозимки, тўғри жавобни топиш жуда осон бўлмасин. Яхши тузилган тест вазифаси талабани тўғри жавобни излаб танлаш, фикр юритиш, **ақл** ишлатишга даъватэтсин.

Мисол. Предмет бўйича тест топширмқлари сони кўпайиши билан педагогик ўлчаш (баҳолаш) аниқлиги қандай ўзгаради?

А. Ортади.

Д. Ўзгармайди.

В. Камаяди.

Е. Қонуниятини йўқ.

Тўғри жавоб: А.

Тест ёрдамида педагогик ўлчашнинг аниқлиги, стабиллиги тестнинг ишончлилиги дейилади.

Мисол. Тест вазифасининг сифати билан ўқув жараёни сифати орасидаги алоқа, боғланиш қандай?

А. Юқори даражада боғлиқ.

В. Боғлиқ.

Д. Унча боғлиқ эмас.

Е. Ҳеч"бир боғлиқлиги йўқ.

Тўғри жавоб - А.

**Очиқ теот топшириқлари.** Очиқ тест вазифалари - кишигаўз хоҳишига кўра жавоб бериш имкониятини яратади. Очиқтестлар, одатда, битта асосий сўз (ёки сўзлар) тушириб қолдирилган жумладир. Мисоллар. Асосий сўз (ёки сўзлар) тушириб қолдирилган, жавоб таклиф этилмаган тест вазифаси ..... дейилади.

Тўғри жавоб: очиқтест.

..... тушириб қолдирилган ва жавоби кўрсатилмаган топшириқ очиқтест дейилади. •

Тўғри жавоб: муҳим сўз.

**Мосликка доир тест вазифалари.** Бу тестларнинг моҳияти

шундан иборатки, бир нарсанинг қисмлари бошқа нарсанинг қисмларига мос келишини аниқлаш зарур. Мисол.

1. Билимни тест усулида назорат қилишининг камчиликлари,

2. Билимни анъанавий усулда назорат қилишнинг нуқсонлари.

А. Баҳоларнинг субъективлиги.

В. Имтиҳон олувчи талаба билан мулоқот қилолмайди.

Д. Билимларнинг бир қисми танлаб назорат этилади.

Е. Баҳо шкаласи тахминийлиги.

Ғ. Жавобларни ифодалаш имконияти чекланган.

С. Ўқитувчининг вақти кўп кетади.

Н. ЭҶМни қўллаш қийинлиги.

Тўғри жавоб: 1-В, Ғ, 2- А, Д, Е, О, Н.

**Изчилликка доир тест вазифалари.** Бундай топшириқ/шр турли ҳаракатлар, фикр юритишларда изчиллик мавжудлигини текшириш, аниқлаш учун ишлатилади.

Мисол. Педагогик тестни тузишда ҳаракатлар изчиллиги (кетма-кетлиги) тўғрилигини аниқланг.

А.Тестнинг хусусиятини аниқлаш.

В.Тест топшириқлари миқдорини белгилаш.

Д.Умумий ва хусусий мақсадларни аниқлаш.

Е.Тест вазифасини тузиш (ишлаб чиқиш).

Ғ.Тестни синов - тажрибада текшириб кўриш.

О.Тестни экспертизадан ўтказиш.

Н.Тест сифати кўрсаткичларини аниқлаш.

Жавоб индекслари тартиби (изчиллиги) шаклида бўлади.

Тўғри жавоб: В, Д, А, Е, С, Ғ, Н.

Тест тузишда бундай изчиллик зарурлигининг сабаблари бор. Аввало тест вазифалари миқдорини аниқлаш лозим, чунки у ўқув предметиға ажратилган тест топшириқлари сонига, вақт ва бошқаларға **боғлиқ** бўла, п, и. Сўнгра назорат этиладиган ўқув предметининг умумий ва хусусий мақсадларини аниқлаш, шундан кейин тестнинг хусусиятини аниқлаш талаб этилади. Тестни синашдан олдин экспертизадан ўтказиш лозим, -бу айрим камчиликларни бартараф этишға имкон яратади. Тестий тажрибада синаб кўриш зарур, синовдан ўтказилмаган тестлар масъулиятли

вазиятларда. қўлланилмаслиги даркор. Тестни тажриба тариқасида синовдан ўтказиш - унинг сифатини аниқлашга, тест топшириқларини-талабалар қандай идрок этиши, тушуниши билан боғлиқ нуқсонларинибилиб олишга имкон туғдиради.

## **ТАЪЛИМ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ УСУЛЛАРИ**

Педагогик технологияда алоқа-боғланишлар воситасида билимлар шаклланишига катта эътибор берилади.

Билим - кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган тўғри маълумотлари (ахборотлар). Билим ижтимоий меҳнат ва тафаккур маҳсули бўлиб, оламнинг объектив қонуний алоқаларини тил воситаси билан ифода қилади. Билим -билиш билан узвий боғлиқ, унинг натижаси ва таркибий қисми. Инсон ижтимоии ҳаёт, жараёнида билмасликдан билишга, Клукаммал ва аниқ бўлмаган билимлардан атрофлича ва чуқур билимлар ҳосил қилиш сари боради. Ҳар бир янги авлод ўзидан олдинги авлод тўплаган билимни ўзлаштиради, янги-янги ҳодисаларни чуқур ўрганиб, уни бойитади. Билим кундалик тажриба, илмий кузатиш, назариялар орқали тўпланаяди.

Билим эгаллашнинг муҳим воситаси таълим жараёнидир. Педагогик технология репродуктив даражада билим ўзлаштиришнинг қуйидаги қоида (восита)ларини тавсия этади:

1. Тенг (эквивалент) амалиёт қоидаси: таълимнинг шарт-шароитлари ва ўқиш пайтида талаба бажарадиган амаллар тест ёки имтиҳон пайтида бажарадиган амалларига айнан тенг келиши.

2. Ўхшаш (аналогик) амалиёт қоидаси: ўқувчилар сўнги хатти-ҳаракатлари (хулқи) га ўхшаш (лекин айнан ўзини эмас) хулқий амалларни машқ қилиш имкониятига эга бўлиши.

3. "Натижаларни билиш" қоидаси: ўқувч>1 ўзи бажарган ҳар бир амалнинг натижасидан дарҳол хабардор бўлиши; жорий баҳолаш шу принципга асосланади.

4. Педагог маъқуллаши қоидаси: ўқувчининг тўғри ҳаракатлари маъқулланиб, руҳлантириб борилади; ҳато

бажаргани учун танбеҳ берилмайди, балки ҳаракатини ўзгартирадиган тўғри йўл кўрсатилади. Масалан. "бошқача ифодалашга яна бир уриниб кўр". "Матнни бошқадан ўқиб, мазмунини қайта англашинг-лозим". Бу қоидалар репродуктивтаълимга тааллуқли.

Таълимни педагогик технология усулида ташкил этганда дастурлаштирилган таълимга хос қуйидаги принциплардан ҳам фойдаланиш лозим:

-қадамба-қадам ўзлаштириш. Бу принципга кўра ўқув материали кичик-кичик бўлак (қадам)ларга ажратиб ўрганилади;

-жавобни дарҳол маъқуллаш. Талаба тўғри ечгани ёки жавоб берганидан дарҳол хабардор бўлиши. У ўз жавобини эталон билан таққослаб кўриши лозим;

- ўқиш тезлигини индивидуаллаштириш;

- секин-аста мураккаблаштира бориш;

- билимларни табақалаштириб мустаҳкамлаш: ўқишнинг ҳар бир қадами (бўлаги)ни турли мазмунда бир неча марта такрорлаш;

- яхши танланган мисоллар билан намойиш этиш.

Юқорида келтирилган қоида ва принциплар таълим мақсадига эришишнинг усуллари ҳисобланади.

Таълим беришда ҳамма шароитлар учун бирор ягона оптимал таълим модулини тавсия этиб бўлмайди. Бу масала ўқитувчининг маҳорати, ақлу-заковати, тажрибасига ҳавола этилади.

Педагогик технологиянинг тамал тоши - бу, таълим натижаларини диагностик ва амалларда ифодаланган мақсадлар сифатида режалаштириш (лойиҳалаштириш)дир. Эришиб бўладиган аниқ, реал мақсадлар қўйилса, ўқитишнинг ҳар бир аниқ шарт-шароитида мақсадга эришишнинг қулай шакл, метод, усул ва воситаларини танлашга имкон яратилади.

Таълим мониторинги. 60-80 йилларда педагогик технологияда диагностика таълим жараёнида нормадан четга чиқиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаб, тузатишни назарда тутган бўлса, ҳозирги замонавий таълим технологиясида диагностика ҳар бир ўқувчининг ривожланиш

тенденцияларини олдиндан аниқлаш ва башорат қилиш мақсадига йўналтирилган. Башорат натижасига биноан ўқитишнинг ҳар бир қадами лойиҳалаштирилади.

Шундай қилиб, хабардорлик (обратная связь) - диагностикани башорат билан бирлаштирувчи узлуксиз 'жараён ҳисобланади. Бу жараён мониторинг дейилади, у инглизча сўз бўлиб, "узлуксиз кузатиш" деган маънони англатади.

Педагогикада мониторинг деганда ўқув жараёнини узлуксиз, узоқ вақт муттассил кузатиш ва уни бошқариш тушунилади. Педагогик мониторинг ўқитувчи ва талабани тўғри ҳаракат қилиш учун зарур ахборотлар билан таъминлайди. Бунда тадқиқот объекти - ўқув-тарбия жараёнининг натижалари ва қўйилган мақсадга эришишда ишлатиладиган воситаларидир.

### **ТАЪЛИМ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИЛГАННИ БАҲОЛАШ**

Баҳолаш - жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ўз ичига олади. Жорий назорат талабанинг ўзлаштира бораётганидан муттасил хабардор қилиб туради, рдатда, жорий назоратда боланинг билимига баҳо қўйи/Гмайди, интилишлари маъқулланиб борилади, шу тариқа у билимларни шакллантиришда иштирок этади. Педагогик технологияда хабардор бўлиб бориш (обратная связь) таълимда йўл қўйилган хатони тузатиш учунгина эмас, таълим мақсадларини аниқлашга ҳам хизмат қилади. Якуний назоратда режалаштирилган таълим мақсадига эришилгани баҳоланади.

Назорат **оғзаки, ёзма ёки тест шаклида** бўлиши мумкин.

**Оғзаки ва ёзма назорат.** Оғзаки назоратнинг яхши жиҳатларига: ўқитувчининг талаба билан жонли мулоқоти, шахсан алоқада бўлиши; оғзаки нутқни машқ қилиши; билимини чуқурроқ аниқлаш (текшириш) учун қўшимча саволлар бериш имконияти кабилар киради. Оғзаки жавоб бериш талабани фаол фикрлашга ундайди.

Оғзаки жавоб беришда яхши тайёрланган ўқувчи ўз билимдонлигики, қўшимча ўрганганларини намоиш этади Талаба билан бевосита алоқа натижасида сўраш пайтида

боланинг билим ўзлаштириши масаласида ўқитувчида тугилган айрим шубҳалар бартараф этилади.

Шу билан бирга талабанинг билимини оғзаки назорат қилишда педагогнинг шахсий хусусият, сифатлари акс этади. Оғзаки баҳолашда ҳар бир ўқитувчига хос объективлик ва субъективлик муносабати намоён бўлади. Педагогик тадқиқотларда аниқланишича икки имтиҳон олувчининг бир талабагабир фандан қўйган баҳолари 40-60 фоизга мос келади. Бир болага имтиҳончиларнинг биттаси юқори баҳо қўйган бўлса, иккинчиси паст баҳо қўйиш ҳоллари учрайди. Битта ёзма ишнинг ўзига турли имтиҳончилар турлича баҳо қўйишлари мумкин.

Хуллас, оғзаки ва ёзма имтиҳонларда ўқувчига қўйиладиган баҳоларда субъективлик аломати кўпроқ. Уқитувчи кўпинча баҳони бошқа ўқувчиларга нисбатан қўяди, бунда қўйилаётган баҳо камайтирилиши ҳам, ошириб юборилиши ҳам мумкин.

Ёзма имтиҳоннинг яхши томони - у ўқув материални бола ўзлаштириб олганига ҳужжатли далил бўлади, талаба ўз фикрларини қоғозда йфодалаши учун амалиётдир. Экспертлар ўтказган ёзма назорат объективроқ баҳо қўйишга имконият яратади,

Оғзаки ва ёзма назоратнинг анъанавий тизимига хос жиддий нуқсонлар қаторига қуйидагилар киради;

1. Имтиҳонда талаба билетдаги 3-4 та саволга жавоб беради, баҳо эса ўқув предмети дастурини билгани учун қўйилади.

2. Беш балли баҳо шкаласи билим ўзлаштириш даражалари орасидаги тафовутларни аниқ белгилашга имконият бермайди.

3. Оғзаки ва ёзма имтиҳонлар билим ўзлаштириш сифатини объектив, аниқ ва асосли баҳолашни таъминлай олмайди.

4. Оғзаки сўрашга, шунингдек ёзма ишларни текширишга вақт кўп кетади.

5. Оғзаки ва ёзма назорат учун компьютерларни ишлатиш қийин, уларни автоматлаштириб бўлмайди. Бу жиҳатдан тест назорати устунликларга эга.

**Тест назорати.** Тест назоратининг яхши томонларига қуйидагилар киради:

1. Яхши тузилган педагогик тест объектив педагогик ўлчаш (баҳолаш)нинг инструменти бўлиб, унинг натижаси назорат ўтказувчи одамга боғлиқ бўлмайди.

2. Педагогик тест ўқув материали мазмунини тўлиқ қамраб олиши мумкин, таълим натижасини тест усулида ўлчашда - ҳамма талабаларга нисбатан бир хил, олдиндан белгиланган шкалага биноан аниқ ва тўғри баҳо қўйилади.

3. Тест назоратида техникани ишлатиш қулай, бу маълум ўқув материални ёки бутун бир фанни, нисбатан оз вақт, кам куч сарфлаб, оммавий назорат қилишга имкон беради.

4. Тест назоратини компьютерлар воситасида автоматлаштириш осон. Бу унинг муҳим устунликларидан биридир.

Лекин, тест усули ҳам нуқсонлардан холи эмас, масалан, тест назоратининг кўп шакллари талабани оғзаки ва ёзма жавобларини мустақил ифодалаш имкониятидан маҳрум этади. Талабанинг руҳим кечинмалари ҳам ўқитувчи олдида эркин жавоб бераётганидагидек намоён бўлмайди; билимдонлиги, шахсинг ўзигагина хос руҳий хусусиятларини кўрсатиш имкони йўқ. Имтиҳон топширувчи тўғри жавобни танлашигина мумкин, холос.

Шунга қарамай педагогик тестларнинг ижобий имкониятлари катта, улардан ўринли, тўғри фойдаланиш таълим тизимининг барча бўғинларида ўқиш ва ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилади. Ҳар бир педагог, таълим бошқаруви идораларининг ходимлари тест маданиятини, тест назарияси ва амалиётини чуқур ўрганишлари лозим.

Педагогик тестларни қўллаш ўқитиш жараёни ва натижаларига катта таъсир ўтказиши мумкин: сифатли тузилган тестлар талабанинг билиш фаоллигини оширади ва аксинча ёмон тузилган тестлар ўқиш жараёнига салбий таъсир этиши ҳам мумкин.

**Рейтинг тизими.** "Рейтинг" инглизчасўз бўлиб, баҳолаш, индивидуал коэффициент маъноларини англатади.

Ўқувчилар билими сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими деганда ҳар бир талабанинг ўқиш жараёни ва ўқув натижасини баҳолашга бир хил ёндашувни таъминлайдиган

ўзаро боғлиқ кўрсатма ва қоидалар мажмуи тушунилади'.

Рейтингизими таркибига қуйидагилар киради:

- назорат турлари (жорий, оралиқ, якуний) ;
- назб<sup>^^</sup>Зат усуллари (оғзаки, ёзма, педагогик тест);
- вақти-вақти билан баҳолаш;
- баҳо шкаласи;

- ўқувчига қўйиб борилган баҳоларни предмет бўйича умумий баҳога бирлаштириш қоидалари;

- натижаларни расмийлаштириш қоидаси ва бошқалар.

Рейтинг тизимини қўллашнинг мақсади ва вазифалари, одатда, қуйидаги натижаларга эришиш учун шароит яратиш ҳисобланади:

- ўқувчи ва студентлар давлат таълим стандарти талабларини ўзлаштиришига эришиш;

- билимни баҳолашда объективлик ва мунтазамликни таъминлаш,

- талабаларнинг ўқув - билиш ҳаракатларини фаоллаштириш, ўқишга ижобий мотив ҳосил қилиш, мусобақаланиш ва мунтазам равишда мустақил ишлашларига эришиш;

- ҳар бир талабанинг ўқув соҳасида эгаллаган ўринини аниқлаб, ютуқлари учун рағбатлантириш;

- таълим натижаларини таққослашга имкон яратиш кабилар.

Илғор рейтингизими қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

1. Узлуксиз тавлим ҳар бир босқичининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

2. Қўп балли шкалани қўллаш.

3. 'Уқитувчи қўядиган баҳолар мураккаб математик ҳисоб-китоблар билан боғлиқ бўлмаслиги лозим. Баҳо ўқув юртида қабул қилинган (қўлланиб келаётган) мезонларга биноан қўйиб борилиш керак.

4. Рейтинг тизими натижалари ўқувчилар, ота-оналар, педагоглар тушуниши учук қулай (синф журналидан билиб олинган) бўлиши лозим. Рейтинг балларини исоблаш, якуний балларни қайта ҳисоблаш тартиби иложи борича содда бўлиши, балларни назорат турлари ва шакллари бўйича тақсимлаб ҳисоблашни талаб этмаслиги керак.

5. Ҳар бир ўқув юртида услубиёт бўлими вазирлик кўрсатмасига биноан ёки ўзи мустақил барча оғзаки, ёзма ва тест назоратларини минимал миқдорини белгилайди ва шу асосда якуний рейтинг баҳоси чиқарилади.

6. Узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичида турли ўқув юртлари рейтинг-тизимлари натижалари таълим натижаларини таққослашга имкон бериши керак.

### **ЎЗЛАШТИРИШНИНГ МАҚСУДДОР ВА ТАДҚИҚИЙ ДАРАЖАЛАРИ УЧУН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

Чет эллик педагог-олимлар педагогик технология масаласида таълимнинг юқорироқ даражалари учун ҳам ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқмоқдалар.

Америкалик олимлар: Р.Ганье ва Л.Бриггслар педагогик технология усулида дарс ўтишнинг қуйидаги шаклини таклиф этганлар. Дарс ўтишнинг бу усули хусусий ўқув мақсадларига эришишга ҳамда фикрлаш (тафаккур)нинг мақсулдор даражасини рағбатлантиришга қаратилган:

1. Ўқувчилар диққатини жамлаш.
2. Талабаларга дарс мақсадини етказиш.
3. Керакли билимларни эсда қолдириш ва кўникмаларни эгаллаш зарурлигини ўқдириш.
4. Ўқувчида қизиқиш уйғотиб, ҳаракат қилишга ундайдиган ўқув материални такдим этиш.
5. Ўқувчининг жавоб ҳаракатларини маъқуллаб рағбатлантириш.
6. Талаба ўзлаштирганидан хабардор бўлиб бориш.
7. Талабанинг фикрлаш (тафаккур) фаолиятини бошқариш, билим ва малакаларни мустаҳкамлашни рағбатлантириб бориш.
8. Талабаларнинг ҳаракатларини баҳолаш. Иंगилиз олими А.Ромишевский педагогик технология методининг қуйидаги вариантини тавсия этади:
  1. Керакли билимларнигина етказиш.
  2. Дастлаб репродуктив даражада кўникмаларни шакллантириш.
  3. Бола бажарадиган иш-ҳаракатни яхлит ҳолда ва қисмлари бўйича намойиш этиш.

4. Малака ҳосил қилишни соддапаштириш (топшириқни қисмларга ажратиб бажартириш).
  5. Талаба мустақил бажараётганидан доимий хабардор бўлиб, маъқуллаб, уни рағбатлантириб бориш.
  6. Маҳсулдор, тадқиқий босқичгаўтиш.
  7. Хилма-хил муаммоли вазиятларни ташкил этиш - ностандарт вазифаларни бажартириш.
  8. Ўқувчи ўз фаолиятини таҳлил этиб, ўқитувчи "Струх) билан қандай бажарганини муҳокама этиб бориш.
- Америкалик олим Ф.С.Келлер олий ўқув юртлари учун педагогик технология усулининг индивидуаллаштирилган тизимини ишлаб чиқди.
- Келлёр режасининг муҳим белгилари қуйидагилар:
1. Ўқув материали мазмунини (олдин ўтилган бўлимнинг мазмунини ҳам) талабатўлиқўзлаштириб олишига эришиш.
  2. Ҳар бир талаба ўз ўзлаштириш тезлигига биноан алоҳида ишлаши.
  3. Маърузадан талабаларда мотив ҳосил қилиш ва умумий йўнаштириш учунгина фойдаланиш. л;
  4. Ўқув ахборотларини баён қилиш учун нашр этилган ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш.
  5. Ўқув материалнинг бўлимларини ўзлаштирганини аниқлацда ёрдамчи - ассистент (аспирант, аълочи студент)лар кучидан фойдаланиш.

Педагогик технология методининг бу шаклида ўқитувчи курсни бир неча бўлим (модул)ларга ажратади, одатда уларнинг сони 15-20 та бўлади; улар дарслиқдаги бобларга тенг, мос бўлиши мумкин. Ҳар бир талабага қандай ўқиш учун қўлланма берилади, унда бўлим (мавзу)ни ўрганиш мақсади кўрсатилган, ўқув ишининг маълум шакллари тавсия этилган, назорат ва ўз-ўзини назорат этиш учун саволлар мажмуи келтирилган бўлади. Ишлаш тартибини, ўқиш шаклини талъабанинг ўзи танлайди. Ўзлаштирилган бўлим бўйича имтиҳондан олдин ҳар бир талабани ёрдамчи-ассистент ўқитувчи ишлаб чиққан аниқталаб-мезонларга биноан "ўтди", "ўтмади" шаклида синовдан ўтказади.; Синовдан ўтмаган талаба ёрдамчининг тавсиясига биноан ўқув материални қўшимча ишлаб чиқади. Синовдан ўтиш кейинги бўлимни ўрганиш -учун ўзига хос рухсатнома

*ал*

ҳисобланади. Маърузалар сони жуда кам ( бир семестрда 6 тадан ошмайди), уларга қатнашиш мажбурий эмас.

Келлер режаси АҚШ даги олий ўқув юртларида табиий-илмий фанларни, шунингдек ижтимоий - гуманитар фанларни ўқитишда қўлланилади. 70-80 йилларда педагогик экспериментлар Келлер режаси анъанавий таълим усулига нисбатан самарали эканлигини кўрсатди.

Россия Федерациясида В.Гузеев интеграл педагогик технология методини ишлаб чиқди, унинг асосий қисмлари, умумлашган ҳолда қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир ихтисослик бўйича таълимнинг режалаштирилган натижалари кўп даражали диагностик ва амаллар бўйича бажариладиган ўқув вазифалари шаклида тақдим этилади.

2. Таълим жараёнининг йирик тузилмаси дарслар блоки шаклида бирлаштирилиб, таълим мазмунининг катта бирлигини ташкил этади.

3. Жамоавий ўқитишни гуруҳ фаолиятининг мониторинги асосида ташкил этилади. Таълимнинг ҳар бир қадами олдингисининг натижасига биноан режалаштирилади.

4. Таълим жараёнини бошқариш ва ўқитиш компьютерларда амалга оширилади.

Юқорида баён этилганлар таълимга технологик ёндашувнинг шакл ва кўринишлари хилма-хиллигидан далолат беради. Россия Федерациясида "Школьною технологии" номли янги педагогик журнал ҳам чиқарилмоқда. Ўзбекистон республикасида ҳам педагогик технология соҳасида чет эл тажрибаларини ўрганиш, миллий-маданий анъаналаримизни, таълим соҳасида эришилган даражани инобатга олиб, педагогик технология усулини ўзлаштириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

**Иловалар**  
**СТАНДАРТЛАШТИРИЛГАН ДАРС ЛОЙИҲАСИДАН**  
**НАМУНАЛАР**

Юқорида "Ўқув машғулоти лойиҳалаштиришга доир назарий фикрларни (32, 33-бетлар) ва "Ўқув машғулоти лойиҳалашнинг умумий тузилмаси"ни (34-35-бетлар) келтирган эдик. Биз ана шу назарий ғоялар ва "тузилма"га биноан айрим мавзулар бўйича стандартлаштирилган дарс лойиҳаларини (режа-матнини) туздик. Улар ўқув машғулоти такрорланадиган жараёнга айлантириш вариантларидан бири сифатида ишлаб чиқилди. Қашқадарё вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида, Қарши Дзелат университети педагогика факультетида шу лойиҳа (режа-матн)лар асосида дарслар ўтдик. Ушбу лойиҳаларни компьютерга ўтказиб ёки таълимнинг бошқа техник воситалари орқали экранга тушириб, бошқа ўқитувчилар ҳам шударни такрорлаб ўтаверишлари мумкин. Бу лойиҳа билан дарсни ким ва қаерда ўтишидан қатъий назар ўқувчилар таълимининг режалаштирилган (лойиҳага киритилган) натижаси даражасида билим олади, яъни таълимнинг натижаси кафолатланади.

Қуйида стандартлаштирилган дарс лойиҳасидан намуналар келтирамиз:

**1, "ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ - ТАЪЛИМНИНГ ТИЗИМЛИ**  
**УСУЛИ" МАВЗУСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЛОЙИҲАСИ**

Ахборот манбаълари: "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997. Очилов М. "Янги педагогик технологиялар", Қарши, 2000. Фарберман Б.Л. "Прогрессивные педагогические технологии. Тошкент, 1999; Беспалько Б.П. "Слагаемые педагогической технологии", М:1989. Кларин М.В. "Педагогическая технология в учебном процессе". М., 1989.

**1. МАВЗУНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ** (Ўқитувчининг мақсадиталабаларга педагогик технология усулига доир қуйидаги муҳим масалаларни ўргатиш):

1. Илғор педагогик технологияларни жорий этиш вазифасининг кун тартибига қўйилиши.

2. Педагогик тизим, технологик ва тизимли ёндошув - педагогик технологиянинг асоси.

3. Технология атамасининг мазмуни.

Д.Педагогик технология тушунчасининг моҳияти, таърифи. ^  
б.Педагогик технология усулининг 'муҳим белгилар  
қонуниятлари. М

**М.ОЙДИНЛАШТИРИЛГАН МАҚСАДЛАР:** (МавзунингмазмУ  
-таълимнинг натижаси, яъни ўқувчининг ўрганиш мақсадлэ  
сифатида тест саволлари, ўқув вазифалари шаклида қуйидаги  
ифодаланади яъни стандартлаштирилади); ^и

1 .Миллий дастурда педагогик технологияларга ўтиш вазиф  
қандай ифодаланганини айтинг. ^и

Тўғри жавоб (Эталон): Кадрлар тайёрлаш миллий дастур^  
рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида: "ЎҚУВ-услуО  
мажмуаларнинг ҳамда таълим жараённини дидактик ва ахооК ,,  
таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий эти ^  
иккинчи босқичида - "таълим муассасаларининг моддий - теги ва  
ахборот базасини мустаҳкамлаш давом этдирилади, У^  
тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва \*'■" .ш^.  
**педагогик технологиялар билан таъминланади**"; У^рот  
босқичда - "Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва З^  
базалари янада мустаҳкамланади, ўқув жараёни янги ЎҚУВ'^-'^»,^,  
мажмуалар, **илғор педагогик технологиялар билан ту  
таъминланади**" шаклида ифодаланган.

2.Педагогик технологиянинг илмий-методик асосларин  
тизим сузининг луғавии маъносини айтинг. ва  
ЗИМ

Тўғри жавоб: Педагогик технология усули педагогик тИ  
назариясига, тизимли-, технологик ёндошувларга  
асосланад^^! Система (тизим) юнонча сўз бўлиб, .зи/""^"  
яхлит, қисмлардан туэ  
бирикан маъносини билдиради.

3.Педагогик тизим тушунчасининг маъносини айтинг. ^сис  
Тўғри жавоб:-Педагогик тизим - индивидни шахс, мутаҳз^, \_  
сифат^^а шакллантирувчи, ҳаракатдаги яхлит ижтимо  
педагогик тузилма (ҳодиеа), жонли социал организмдир-

4.Педагогик тизим нечта қисм (компонент) дан тузилгани  
уларнинг номларини айтинг? ^ни ва  
,,/увчи,

Тўғри жавоб: Педагогик тизим олти қисмдан тузилади: Ут^қуц  
таълим-тарбиянинг мақсади, таълим-тарбиянинг мазмуни, /

(дидактик) жараёни, ўқитувчи ёки таълимнинг техник воситалари; таълим-тарбиянинг шакл-усуллари.

5. "Дидактик вазифа", "таълим технологияси" атамалари нималарни ўз ичига олади?

Тўғри жавоб: Дидактик вазифа - таълим-тарбиянинг мақсади ва мазмунини; таълим технологияси - дидактик (ўқув) жараёни, ўқитувчи ёки таълимнинг техник воситалари, шакл-усулларини ўз ичига олади.

б. Технология сўзининг луғавий маъносини айтинг. Тўғри жавоб: "Технология" юнунча сўз бўлиб, техне-маҳорат, санъат, логос-таълимот, фан маъноларини англатади.

У. Технология тушунчасининг таърифини айтинг.

Тўғри жавоб: Технология - тайёр маҳсулот олиш учун ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар (хом-ашё, материал ёки ярим фабрикатларга ишлов бериш, тайёрлаш, ҳолатини, шаклини, хусусиятини ўзгартириш) мажмуи. Шундай усул ва методларни ишлаб чиқувчи ва такомиллантирувчи фан.

в. Педагогик технология сўзининг луғавий маъноси ва таърифини айтинг.

Тўғри жавоб: - Педагогик технология тушунчаси инглизча "ап ейса^/опа! 1есИо1о.ду" с-ўзидан олинган бўлиб, "таълим техноЛогияси" маъносини билдиради.

- "Педагогик технология . - бу, таълим шаклларини қўлайлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инobatга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини белгилаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир". (ЮНЕСКО маъқуллаган таъриф).

Бошқа муаллифларнинг таърифлари:

- Педагогик технология амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир.

- Педагогик технология - таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш учун педагогик жараёнда қўлланиладиган усуллар, воситалар мажмуидир.

- Педагогик технология - олдиндан лойиҳалаштирилган, белгиланган таълим-тарбия жараёнини изчил амалга оширишдир.

Э.Педагогик технология усулининг муҳим белгиларини айтинг,  
Тўғри жавоб:

- Таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва синфда ўқувчилар билан бирга лойиҳани қайта ишлаб чиқиш.
- Талабанинг ўқув-билув фаолиятини тасвирлайдиган таълим жараёнининг лойиҳасини технологик, тизимли ёндашув асосида тузиш.
- Таълимнинг мақсади реал, аниқ, диагностик бўлиши ва ўқувчининг билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш.
- Таълим жараёнида бола фаолиятига таяниб ўқитиш.
- Мавзунинг мазмунини ўқув вазифаси (элементи, бўлаги) шаклида ойдинлаштириб, мўлжалланган эталон асосида ўқувчининг кузатиладиган, ўлчанадиган ҳаракатлари шаклида ифодалаш.
- Таълим шаклларини оптималлаштириш (қулайлаштириш).
- Таълим жараёнида техник воситалар ва инсон салоҳиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш.
- Таълим мониторинги - билим ўзлаштириш жараёнини тузуксиз кузатиб, йўл қўйилган хатоларни аниқлаб, тузатиб бориш.
- Белгиланган мезонларга биноан назорат вазифаларини бажариш.
- Таълимнинг режалаштирилган натижасига эришишнинг қафолатланганлиги.
- Таълим самарадорлигининг юқорилиги.

Ю.Педагогик технология назарияси ва амалиётининг қонуниятлари, принципларини айтинг. Тўғри «жавоб»:

- Таълим-тарбиянинг бирлиги, яхлитлиги; таълим жараёнининг тузулиши ва мазмуни ўзаро боғлиқлиги.
- ' Таълим жараёнини оптималлаштириш (қулайлаштириш): қулай шароит яратиш, оз вақт, кам куч сарфлаб, таълимда юқори натижага эришиш.
- Талаба ва ўқитувчи фаолиятини оқилона уюштириш: талабанинг манфаатдорлиги, қизиқиши ва интилувчанлиги (мотив мавжудлиги); ўқитувчи таълим мақсадини, мазмунини пухта билиши, ўқитиш Усуллари ва техник воситаларни яхши эгаллаган бўлиши.
- Замонавийлик: таълим мазмунини мунтазам бойитиб, янгилаб, замонавийлаштириб бориш.

- Илмийлик: таълимда илмий асосланган дидактик янгиликлар, янги шакл ва воситалар, фаол методларни қўллаш, узлуксиз изланиш, тадқиқотлар.

- Педагогик жараёни жадаллаштириш: ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самандорлигини оширувчи дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

- Ўқув жараёни учун зарур моддий-техник базани яратиш.

- Педагогик жараён натижаларини холисона, объектив баҳолаш (тестусули, рейтингтими: талабанингбилим, кўникмаларининг назорати ва баҳолашни автоматлаштириш).

- Таълим - тарбиянинг табиатга мослик принципи.

- Таълим - тарбиянинг жамиятга мослашув принципи.

#### **т. НАЗОРАТ ТЕСТЛАРИ**

1. Миллий дастурнинг педагогик технологияларни жорий қилишга доир кўрсатмаси қайси жавобда келтирилган?

А. Педагогик технологияларга ўтиш.

В. Янги педагогик технологиялар жорий этилади.

С. Илғор педагогик технологиялар билан таъминланади (тўлиқ таъминланади).

Д. Янги педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш.

3. Педагогик технология усулининг илмий-методик асослари.

А. Таълим-тарбия қонуниятлари. • В. Бихевиористик таълим. С. Ишлаб чиқариш технологияси. Д. Педагогик тизим назариси, тизимли, технологик ёндашув.

3. Педагогик тизим нима?

А. Индивидуал шахс, мутахассис сифатида шакллантирувчи ҳаракатдаги ижтимоий-педагогик ҳодиса (тузилма). В. Таълим-тарбия тизими. С. Бўлақлардан тузилган ижтимоий бирлик. Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

4. Педагогик тизимнинг компонент (қисм) лари.

А. Педагогик тизим олти қисмдан тузилади.

В. Ўқувчи; таълим-тарбиянинг мақсади; мазмуни.

С Дидактик (ўқув) жараён; ўқитувчи ёки таълимнинг техник воситалари: шакл-усуллари. д.Хамма жавоблар тўғри.

5. "Дидактик (ўқув) вазифа", "таълим технологияси" тушунчалари нималарни ўз ичига олади?

А.Ўқув вазифаси - таълим-тарбиянинг мақсади ва мазмунини.

В.Таълим техно|10гияси - ўқув жараёни: ўқитувчи ёки таълимнинг техник воситалари; шакл-усулларини.

С.Таълим тарбиянинг шакл-усуллари, қонуният ва принципларини.

Д. А,В жавоблар тўғри.

6. "Технология" сўзининглуғавий маъноси.

А.Техне - техника, логос - таълимот.

В.Технология - ишлаб чиқариш усули.

С. Техне - маҳорат, санъат, логос - тушунча, таълимот.

Д. Буюмни тайёрлаш жараёни.

7. "Технология" тушунчасининг таърифи.

А. Технология - ишлаб чиқариш жараёни.

8. Технология - тайёр маҳсулот олиш усули.

С. Технология - буюмни тайёрлаш методлари мажмуи. Д.

Технология - тайёр маҳсулот олиш учун ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар мажмуи.

8. Педагогц^с технология тушунчасига ЮНЕСКОнинг таърифи.

А. Педагогик технология - амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир.

В. Педагогик технология - таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш учун қўлланиладиган воситалар, усуллар мажмуидир.

С. Педагогик технология - олдиндан белгиланган, лойиҳалаш-"п^рилган ўқув-тарбия жараёнини изчил амалга оширишдир.

Д. Педагогик-технология - бу, таълим шаклларини қўлайлаштириш ^ақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инobatга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча эраёиларини селгилаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир.

9. Педагогик технология усулининг муҳим белгилари.

А. Таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва синфда ўқувчилар билан бирга лойиҳани қайта ишлаб чиқиш.

В. Талабанинг ўқув фаолиятини тасвирлайдиган лойиҳани тизимли ёндошув асосида тузиш.

С. Таълимнинг мақсади, реал, аниқ, диагностик бўлиши, ўқувчининг билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш.

Д. Мавзунинг мазмунини ўқув вазифа (бўлак)лари шаклида ойдinлаштириб, мўлжалланган эталон асосида ўқувчининг кузатиладиган, ўлчанадиган ҳаракатлари тарзида ифодалаш.

Е. Таълим жараёнида техник воситалар ва инсон салоҳиятининг таъсирини инобатга олиш.

Ж. Билим ўзлаштириш жараёнини узлуксиз кузатиб, йўл қўйилган хатоларни аниқлаб, тузатиб бериш.

З. Ҳамма жавоблар тўғри.

Ю. Педагогик технологиянинг қонуниятлари, принциплари. А.

Таълим-тарбиянинг бирлиги, яхлитлиги. В. Таълим шакллари оптималлаштириш (қулайлаштириш). С. Талаба ва ўқитувчи фаолиятини оқилона уюштириш. Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

## **2. "ЎҚИТУВЧИ ОДОБНОМАСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ" МАВЗУСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЛОЙИҲДСИ**

Ахборот манбаълари: "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори", Тошкент, 1997; "Тағлим тўғрисидаги қонун" (1997); Очиллов М., Очиллова Н. "Ўқитувчи одоби", Тошкент, "Ўқитувчи" нашриёти, 1997, 5-13-бетлар, <

**1. МАВЗУНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ** (Ўқитувчининг мақсади - талабаларга "Ўқитувчи одобномаси" махсус курси, унинг предмети, вазифалари ҳақида қуйидаги муҳим масалаларни ўргатиш):

1. Умуминсоний ва миллий ахлоқнинг моҳияти, тавсифи.

2. Қасб ахлоқининг мазмуни.

3. Ўқитувчи одобномасини ўрганишнинг предмети, мақсади, вазифалари.

4. Ўқитувчи одобининг таърифи, қонуниятлари, манбалари.

**11.0ЙДИНЛАШТИРИЛГАН МАҚСАДЛАР** (Мавзунинг мазмуни таълимнинг натижаси яъни ўқувчининг ўрганиш мақсадлари сифатида тест саволлари, ўқув вазифалари шаклида қуйидагича ифодаланади, яъни стандартлаштирилади):

1.АХЛОҚ тушунчасининг таърифини айтинг?

Эгапон (тўғри жавоб): Ахлоқ- ижшмоий онг шаклларида бири бўлиб, киши ху/1К>1ни бошқариб турувчи, инсонга, Ватанга, меҳнат-га, мулкка,- табиатга муносабатони билдариувчи ахлоқий талаблар мажмуидир.

2.АСОСИЙ ахлоқий тушунчаларни санаб кўрсатинг? Тўғри жавоб: ахлоқ, сўздор, этика, умуминсоний ахлоқ, миллий ахлоқ, шахс ахлоқи, касб ахлоқи.

3.Одоб сўзининг маъносини айтинг.

Тўғри жавоб: Одоб деганда расм-таомил, хулқ-одатлар мажмуи, муомала-муносабатларнингхусусияТлари, амалий хатти-ҳаракатлар тушунилади.

4.Этика тушунчасига таъриф беринг. Тўғри

жавоб: Этика - ахлоқ ҳақидаги фан.

б.Умуминсоний ахлоқ тушунчасини таърифланг.

Тўғри жавоб: Ҳамма миллатларга, инсонларга хос умумий ахлоқий тушунчалар мажмуи (ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик кабилар).

б.Миллий ахлоқ тушунчасининг мазмуини айтинг.

Тўғри жавоб: Умуминсоний ахлоққа хос хусусиятларни сақлаган Ҳолда айнан шу миллат кишиларига хос бўлган ахлоқий сифатлар, хусусиятларни англатади (масалан, ўзбекларга хос ҳаё, ифбат,меҳмондўстлик кабилар).

7.Умуминсоний ва миллий ахлоқ тушунчаларини қатъий чегара-лаш мумкинми?

Тўғри жавоб: мумкин эмас.

в.Касб ахлоқининг таърифини айтинг.

Тўғри жавоб: Фаолиятнинг маълум бир соҳаси билан

шуғулланувчи кишиларга хос ахлоқий нормалар, талаблар мажмуи касб ахлоқи дейилади.

Э.Умуминсоний ва миллий ахлоқ билан касб ахлоқининг ўзаро муносабатини айтинг.

Тўғри жавоб: Умумийлик билан хусусийлик ўртасидаги муносабатдир.

Ю.Қандай касб эгалари ахлоқий нормаларга қатъий амал қилиши зарурлигини айтинг.

Тўғри жавоб: Меҳнат объекти инсон бўлган касб эгалари.

11.Ўқитувчининг юксак маънавий ахлоқий сифатлари нимадан далолат беради?

Тўғри жавоб: Педагогик касбида ишлашга яроқли эканлигини кўрсатади.

12.Кадрларнинг ахлоқий сифатларига қуйилган талаб Миллий дастурда қандай ифодаланганини айтинг.

Тўғри жавоб: "...юксак маънавий ва ахлоқий талабларга"»авоб берувчи юқори малакали" бўлиш.

13.Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра кимлар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга?

Тўғри жавоб: "Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар".

14.Ўқитувчи одобномаси (педагогик этика)нинг предметини айтинг.

Тўғри жавоб: Ахлоқий тарбия жараёни, педагогик одобининг мазмуни, шакл ва усуллари.

15.Ўқитувчи одобномасининг объектини айтинг. Тўғри жавоб: Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги ахлоқий фаолияти.

16.Ўқитувчи одобининг назарий асосларини айтинг. Тўғри жавоб: Умуминсоний ва миллий ахлоқ; халқимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари; илмий, исломий ахлоқ<sup>^</sup>ий ғоялар.

17. "Ўқитувчи одоби" атамаси қандай маъноларда қўлланилади?  
Ўқитувчи жавоб: тор маънода - муаллим хулқининг амалий жиҳати;  
,061«- мамлада - «Ўқитувчининг касб ахлоқи».

18. Ўқитувчи одоби тушунчасининг таърифини айтинг?

Ўқитувчи жавоб: Ўқитувчи одоби - умуминсоний ва миллий ахлоқнинг тушунчалари, талабаларини таълим-тарбия жараёнида ойдинлаштириб, муаллимнинг ўқувчилар, ўз касбдошлари, ота-оналар, мактаб раҳбарлари билан муомала-муносабатларида ифодаланган касбий - ахлоқий хусусиятдир.

19. Фан қонунлари, қонуният деганда нимани тушунаси? Ўқитувчи жавоб: Бир хил шарт-шароитларда айнан такрорланадиган, сабаб-оқибат боғланишига эга бўлган ҳодисани.

20. Фан қонуниятларининг муҳим хусусиятини айтинг?

Ўқитувчи жавоб: Объектив ҳарактерга эгаллиги.

21. "Ўқитувчи одоби" қўлланмасида ўқитувчи одобининг умумий қонуниятларидан нечтаси ва хусусий қонуниятлардан нечтаси ифодаланган?

Ўқитувчи жавоб: Умумий қонуниятлардан учтаси; хусусий қонуниятлардан 9 таси келтирилган (қаранг 12-бет).

22. "Ўқитувчи одобномаси" курсини ўрганишнинг мақсади, вазифаларини айтиб беринг.

Ўқитувчи жавоб: -Педагогик ахлоққа доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш.

^ -Педагогик жараёнда ахлоқий муомала-муносабатларни тўғри йўналтириш, инсонпарварлаштириш;

-Ўзи-ўзини ахлоқий тарбиялаш йўллари билиб олиш.

-Педагогик - ахлоқий маданиятни эгаллаш.

23. "Ўқитувчи одобномаси"нинг манбапарини айтинг.

Ўқитувчи жавоб:

-Ўзбекистон давлатининг таълим, тарбияга доир расмий ҳужжатлари.

-Маданий-маърифий мерос; маънавиятга, ахлоққа доир асарлар, педагогикаси.

-Ўқитувчи одоби, ахлоқий тарбия ҳақида илмий таълимотлар, одобномалар.

-Таълим-тарбия таъжрибалари.

## ГП.НАЗОРАТ ТЕСТЛАРИ

1. "Ахлоқ"нинг таърифи.  
А.Ахлоқ кишининг хулқи, одоби.  
В.Ахлоқ ижтимоий онг шакли.  
С.Ахлоқ тарбиянинг йўналишларидан бири.  
Д.Ахлоқ-ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, киши хулқини бошқариб турувчи. ватанга, инсонга, меҳнатга, мулкка, табиатга муносабатни билдирувчи талаблар мажмуи.
2. Асосий 3/лОқий тушунчалар.  
А.Одоб, гўзаллик, тежамкорлик.  
В.Миллий ахлоқ, шахс ахлоқи, адолат.  
С.Ахлоқ, этика, одоб, умуминсоний ахлоқ, миллий ахлоқ, касб ахлоқи, шахс ахлоқи.  
Д.Ватанпарварлик, инсонпарварлик, мулоқот маданияти, байналмилаллик.
3. Одоб сўзи нимани англатади?  
А.Расм-таомул, хулқ-одатлар мажмуини, муомала хусусиятини, амалий хатти-ҳаракатларни.  
В.Бошқаларни ҳурмат қилишни.  
С.Яхши муомалада бўлишни.  
Д.Ҳалрл, пок, инсофли бўлишни.
4. Этика тушунчасининг таърифи.  
А. Этика - касб ахлоқ<sup>1</sup>.  
В.Этика - ахлоқли, одобли бўлиш.  
С.Этика - ахлоқ, нафосат ҳақидаги фан.  
Д.Этика - ахлоқ ҳақидаги фан.
5. Умуминсоний ахлоқ, тушунчасининг таърифи.  
А.Ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, қаҳрамонлик.  
В.Ҳамма кишиларга хос инсоний руҳий хусусият<sup>^</sup>  
С.Ҳамма миллатга хос сифатлар.  
Д.Ҳамма миллатларга, инсонларга хос умум<sup>|</sup>ий ахлоқий тушунчалар мажмуи.
6. Миллий ахлоқ тушунчаси нимани англатади?  
А.Шу миллатга хос руҳий хусусиятни.  
В.Ўзбекларга хос ахлоқий, инсоний белгиларни.  
С.Шарм-ҳаё, меҳмондўстлик, иффатни.  
Д.Умуминсоний ахлоққа хос хусусиятларни сақлаган ҳолда айнан шу миллат кишиларига хос бўлган ахлоқий сифатлар, фазилатларни.

7. Умуминсоний ва миллий ахлоқ тушунчаларини қатъий чегаралаш мумкинми?

- А.Мумкин.
- В.Мумкин эмас.

8. Касб ахлоқининг таърифи.

- А.Тиббиёт ахлоқи, ўқитувчи одоби.
- В.Бирор касб эгасининг ахлоқи.
- С.Фаолиятнинг маълум бир соҳаси билан шуғулланувчи кишиларга хос ахлоқий нормалар, талаблар йиғиндиси.
- Д.Бирор касб эгасининг ахлоқий, маънавий, эстетик с<sup>а</sup>с(ат)лари мажмуи.

Э.Умуминсоний ва миллий ахлоқ билан касб ахлоқининг ўзаро муносабати.

- А.Умумийлик билан хусусийлик ўртасидаги муносабат.
- В.Жинс тушунча билан тур тушунча ўртасидаги алоқа.
- С.Умуминсоний сифатлар билан касбий сифатлар ўртасидаги муносабат.

10. Қандай касб эгалари ахлоқий нормаларга қатъий амал қилиши зарур.

- А.Ўқитувчилар, артистлар, санъаткорлар.
- В.Шифокорлар, савдогарлар, ҳакамлар.
- С.Раҳбарлар, ҳунармандлар, тадбирокорлар.
- Д.Меҳнат объекти инсон бўлган касб эгалари.

11.Ўқитувчининг юксак маънавий-ахлоқий сифатлари нимадан далолат беради?

- А.Педагоглик касбида ишлашга яроқли эканлигидан.
- В.Одобли, ахлоқли киши эканлигидан.
- С.Ўз касбини улуғлаши, севишидан.
- Д.Ҳеч нарсадан далолат бермайди.

12.Ўзбекистон Республикасида кадрларнинг ахлоқий сифатларига қўйилган талабнинг Миллий дастурдаифодаланиши.

- А.Юксак маънавиятли ҳамда ахлоқли.
- В.Юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, юқори малакали.
- С.Юқори малакали ҳамда юксак маънавиятли, ахлоқий фазилатли.
- Д.Маънавий-ахлоқий баркамол.

13. "Таълмм тўғрисидаги қонув"га биноан кимлар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга?  
 А.Педагогик маълумотли, маънавий-ахлоқий фазилатга ай?а кишилар.  
 В.Олий педагогик маълумотли, маънзийятли, ахм&қйн мутахассислар.  
 С.Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ш ахлоқий фазлатларга эга бўлган шахслар.  
 Д.Олий ва ўрта махсус педагогик мълумотга эга бўлган кишилар.
14. "Ўқитувчи одобномаси" (педагогик этикз^»«инг предмети.  
 А.Ахлоқий тарбия жараёни, педагогик ояоб»фйинг мазмуни, шакл ва усуллари.  
 В.Педагогик этиканинг қонунияслари, нормаг^и, примчиплари.  
 С.Ўқитувчилик фаолиятининг ахлоқий жиҳатлари. Д.Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар.
15. "Ўқитувчи одобномаси"нинг объекти.  
 А.Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги ахлоқий фаолияти.  
 В.Ўқитувчининг педагогик фаолияти. С.Талзбанинг ахлоқий билим ўзлаштириш жараёни Д.АХЛОҚИЙ тарбия жараёни.
16. Ўқитувчи одобининг назарий асослари.  
 А.Умуминсоний ва миллий аж>қ.  
 В.Халқнинг маънавий-ахлоқий қадоиятлари.  
 С.Илмий, исломий ғсжлар.  
 Д.Ҳамма жавоблар тўфи.
17. "Ўқитувчи одоби" агамасииинг маънолари.  
 А.Тор ва кенг маъноларда қўлланилади,  
 В.Муаллим хуж,ининг амалий жиҳати.  
 С.Ўқитувчининг касб ахлоқи.  
 Д.Ҳамма жавоблар тўфи.
18. "Ўқитувчи одоби"нинг таърифи.  
 А.Муаллимнинг ахлоқий сифатлари мажллуи.  
 В.Ўқитувчи ва ўқувчиларга қуйиладиган ахлоққй\* талвблар йиғиндиси.  
 С.Педагогнинг профессионал - ахлоқий фазилатлари мажмуи.  
 Д. Муаллимнинг ўқувчилзр, касбдошлари, ота-онаяар, мактаб раҳбарлари билан муомала-муносабатларида ифОДаланадиган касбий-ахлоқий хусусият.

19. Фан қонунлари, қонуниятлар.  
 А. Табиатни ҳаракатлантирувчи кучлар.  
 В. Жамиятнинг ривожланиш тенденциялари.  
 С. Табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунлари.  
 Д. Бир хил шарт-шароитларда айнан такрорланадиган, сз<sup>А</sup>б-оқибат боғланишларига эга бўлган ҳодиса.
20. Фан қонуниятларининг муҳим хусусияти.  
 А. Об'ектив ҳарактерга эгаллиги.  
 В. Суб'ектив ҳарактерга эгаллиги.  
 С. Иккапа жавоб ҳам тўғри.
21. "Ўқитувчи одоби" кўлланмасида ўқитувчи одо<sup>А</sup>«»(нг умумий ва хусусий қонуниятларидан нечтаси ифодаланган?  
 А. Умумий қонуниятлардан бештаси.  
 В. Хусусий қонуниятлардан ўнтаси.  
 С. Умумий қонуниятлардан учтаси, хусусий қонуниятлардан тўққизтаси.  
 Д. Қонун ва қонуниятлар ифодаланмаган.
22. "Ўқитувчи одобномаси" курсини ўрганишнинг мақсади, вазифалари. , А. Педагогик ахлоққа доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш.  
 В. Педагогик жараёнда ўзаро муомала-муносабатларни инсонпарварлаштириш.  
 С. Ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш йўлларини билиб олиш.  
 Д. Педагогик ахлоқий маданиятни эгаллаш.  
 Е. Ҳамма жавоблар тўғри.
23. "Ўқ<sup>А</sup>тувчи одобномаси"нинг манбаълари.  
 А. Ўзбекистон Президентининг, давлатнинг таълим ва тарбияга доир расмий ҳужжатлари.  
 В. Маданий-маърифий мерос, маънавиятга, ахлоққодоирасарлар.  
 С. Ўқитувчи одоби, ахлоқий тарбия ҳақидаги илмий таг>лимотлар, одобномалар.  
 Д. Таълим-тарбияга доир тажрибалар,  
 Е. Ҳамма жавоблар тўғри.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Таълим-тарбияга ёндашувлар.....	5
Педагогик технология - таълимнинг тизимли усули.....	10
Педагогик тизим.....^.....Г.....	15
Таълим технологияларининг ривожланиш босқичлари.....	17
Талабанинг билим ўзлаштириш даражалари.....	19
Ўқувжараёни.....	23
Ўқув машғулоти лойиҳалаштириш;.....	32
Таълим мақсадларини ойдинлаштириш.....	35
Таълим мақсадларини тест-(назорат) вазифаларига айланттириш;.....	45
Таълим мақсадларига эришиш йўллари (усуллари).....	57
; Таълим мақсадига эришилганлигини баҳолаш.....	59
Ўзлаштиришнинг юқори даражалари учун педагогик технологиялар.....;*	63
Иловалар: Стандартлаштирилган дарс лойиҳасидан намуналар.....	66
"Педагогик технология - таълимнинг тизимли усули" мавзусини педагогик технология усули билан ўрганишнинг лойиҳаси.....;	66
"Ўқитувчи одобномасининг предмети, вазифалари" мавзусини педагогик технология усули билан ўрганишнинг лойиҳаси.....	72

## АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

### ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўйбек тилида

Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов

ИБ № 0438

Теришга 28.06.2000 йилда берилди. Босишга 23.10.2000 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Газета қоғози. Офсет усулда босилди. Шартли босматабоғи 4,65. Шартли қр.оттиск4,78. Нашр табағи 3,61. 94-99-шартнома. 2282-буюртма. 2000 нусхада. Эркин нарҳда.

**"Насаф" нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.**

Ўзбекистон Республикаси матбуот-Давлатқўмитаси Қашқадарё вилоят матбуот бошқармасининг вилоят босмаҳонасида босилди. 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 22.